

Яхши йил
баҳоридан,
Яхши кун
сахаридан.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ўзбек халқ
мақоли

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 14-mart, chorshanba № 21 (8462)

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗИ

дунё бўйлаб таралмоқда

Алирна Қориева Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган музыка академик лицейининг III босқич ўқувчиси. Унинг бугун қувончи чексиз. Чунки у устозлари берган билим ва ишончни оқлади, Ўртбошимиз томонидан яратиб берилган шароит ва имкониятларга ўз жавобини айта олди: Алирна 14—27 февраль кунлари Францияда ўтказилган А.Глазунов номидаги VII халқаро танловда скрипка йўналиши бўйича Гран-при соҳибаси бўлиб қайтди.

— Франция. Муҳташам зал. Нуфузли ҳакам-ва минг-шабин-ҳам халловларда иштирок этган бўлишимга қарамай, бу сафар жуда ҳаяжонландим, — дейди Алирна сафар таассуротлари билан ўртоқлашаркан. — Менинг чиқишим дастурнинг охирироғида эди. Иштирокчиларнинг ихроларини кузатиб, ўзимга бўлган ишончим ортиб бораётган бўлса-да, ҳаяжоним ҳам бор эди. Ахир, 10 мамлакатдан 52 нафар ёш созанда шу танловда ғолиб бўламан, деб келган-да! Кўз олдимга ота-онам, устозларим, дўстларим келди. Бутун саҳнага Ўзбекистон номидан чиқаётганлигим менга куч, далда берди ва мен ҳаммасини удраладим!

Faxr

(Давоми 2-бетда.)



Францияда ўтказилган А.Глазунов номидаги VII халқаро танлов ғолиблари.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси ва бевоқиф раҳбарлигида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, ривожланган давлатлар даражасида, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Унинг самарали фаолияти дунё миқёсида ҳам тан олин-

БАКАЛАВРИАТ: КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИК ВА МОСЛАШУВЧАНЛИКНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТИ

моқда. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция қатнашчиларининг эътирофи ҳам

фикримизнинг яққол исботидир. Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати — резолюциясида ҳам дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли мутахассис ва олимлар таълим-

нинг узлуксизлиги ва узвийлиги борасидаги Ўзбекистон тажрибасини кенг оммалаштириш замон эҳтиёжи эканини яқдил таъкидлаб ўтдилар.

Табиийки, бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришимиз, эришилган муваффақиятларни янгилари билан

мунтазам равишда бойитиб боришимиз зарур. Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, "...бундай марралар биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос. Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққийнинг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин".

(Давоми 2—3-бетларда.)

Oliy ta'lim

ГАЗЕТАНИ
ВАРАКЛАГАНДА:

NAVRO'Z —
NAFOSAT
BAYRAMI!

5-бет

Касб-хунар
эгаллаш:

КЕЧА ВА
БУГУН

7-бет

«МЕН СЕНГА
ИШОНАРДИМ!»

Шахнозани муваффақияти билан биринчи бўлиб табриклаган биринчи ўқитувчиси Онабиби Солаева бу сўзларни гурурла айтган эди

10-бет

САМО
САРҲАДЛАРИНИ
ЗАТБ ЭТИБ...

11-бет

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Каршида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Китобда одамларнинг мустабид тузум қолипларига тушиб қолган фикрини ўзгартириш, уларни миллий истиқлол сари бошлаш, мустақилликка эришиш, уни мустаҳкамлаш, собиқ иттифок даврида тўпланиб қолган муаммоларнинг ечимини топиш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш осон кечмагани ҳаётий далиллар, муҳим тарихий ҳужжатлар ёрдамида очиб берилган. Ўртбошимизнинг ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширган оқилона сиёсати, бу йўлда кўрсатган жасорати ва қатъияти тўғрисида мамлакатимиз ва халқимиз ана шундай ўта мураккаб вазиятдан беталофат чиқа олди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқаро танловда Ўзбекистон номидан қатнашиш, миллий ва бошқа халқлар музыка асбобларини пухта ўзлаштириб, жаҳон санъат аҳлини лол қолдириш Алирна каби лицей ўқувчиларининг катта ютуғи, келажакда забот этилажак юксак марраларининг ибтидоси. Мамлакатимизда болалар музыка ва санъат мактабларини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ижодий муҳит яратиб бериш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларга Алирна каби ёшларнинг жавоби ҳамдир.

Фахр билан эътироф этиш керакки, А.Глазунов номидаги VII халқаро танловда лицейдан 8 нафар ўқувчи ҳар хил йўналишларда ўз



Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўза мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗИ

дунё бўйлаб таралмоқда

қобилиятини намойиш этган бўлса, деярли ҳаммаси биринчи ўринларни забт этиб қайтди. Улар — 3-синф ўқувчиси Достонбек Фуломжонов (I ўрин, скрипка), 4-синф ўқувчиси Абдуборий Абдуғафоров (I ўрин, виолончель), 4-синф ўқувчиси Ким Че Вон (I ўрин, скрипка), 6-синф ўқувчиси Машура Азизова (I ўрин, скрипка), 6-синф ўқувчиси Захро Каримова (I ўрин, скрипка), 8-синф ўқувчиси Бобур Маҳкамбоев (I ўрин, скрипка) ҳамда лицей ўқитувчиси Диана Тюкова (III ўрин, скрипка).

— А.Глазунов номидаги VII халқаро танлов ҳайъати аъзолари ўқувчиларимизнинг ижросига баҳо бераркан, бу йилги кўрсаткич ўзбе-

кстонлик ёшлар эришган охиригунча йил давомидаги энг юқори кўрсаткич бўлганлигини эътироф этдилар, — деди лицей директори Баҳром Қурбанов. — Ўзбекистон барча йўналишлар бўйича энг юқори кўрсаткичларни кўлга киритди. Танловда ўқувчиларимиз мураккаб асарларни ижро қилдилар, ижрочилик мактаби, қобилият, чалаётган асарни тўғри таҳлил этиш ва юқори даражадаги ижро каби танлов мезонларига тўла жавоб бера олдилар...

Лауреатлар ичида 3-синф ўқувчисининг ҳам борлиги бизни жуда қувонтирди. Музыка оламига эндигина қадам қўйган, скрипка чолғу асбобини мукамал эгаллашга ин-

тилаётган Достонбек Фуломжонов учун биринчи ўрин юқори кўрсаткич. Бу фақатгина устозлари ёки оиласининг эмас, бутун мамлакатимизнинг ҳам катта ютуғидир.

Ўзбекистон ёшлари қобилиятли, ziyrak ва bilimga chanqoq. Буни жаҳон музыка мактаби эътироф этмоқда, ёш созандаларимизнинг ижросига қизқиш билдирмоқда. Халқаро танловларда Ўзбекистон номи дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторида тилга олинмоқда. Бу эса, мусликий таълимга қаратилаётган эътибор, ундан оқилона фойдаланаётган ўқувчи ва ўқитувчилар меҳнатининг самарасидир.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

РАҒБАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Сирдарё вилоятида илғор тажрибали педагогларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида "Энг фаол фан ўқитувчиси" ҳамда "Энг фаол синф раҳбари" кўрик-танловлари ўтказиб келинмоқда. Танловларда бугунга қадар 500 нафардан зиёд педагог иштирок этди. Улар орасидан голиб деб топилган 88 нафар устоз-мураббийнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 18 баравари миқдорида пул мукофотлари билан тақдирланди. Бунинг учун жами 90 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бундай беллашувларнинг мунтазам ўтказилиши ўқитувчилар орасида рақобат муҳитининг шаклланишига, уларни доимо ўз устида ишлашга ундамоқда.

Шунингдек, хорижий тилларни энг фаол ўзлаштираёт-

ган билимдон ўқувчилар сараланиб, рағбатлантирилмоқда. Жорий йилда ҳам мактабларимизда таҳсил олаётган ўқувчилардан 24 нафари "Хорижий тилни энг яхши ўзлаштирган ўқувчи" деб топилди. 5-9-синфларда таълим олаётган ушбу ўқувчиларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди. Вилоятда ана шундай мукофот соҳиблари сони жами 281 нафарга етди. Фолибларнинг 241 нафари инглиз, 26 нафари француз, 14 нафари эса немис тили бўйича стипендиат бўлишди. 2008 йилнинг сентябридан бошлаб ўтказиб келинаётган мазкур танловда бугунгача жами 900 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маълумки, шахс — Кадрлар тайёрлаш миллий моделимизнинг муҳим таркибий қисми, кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида белгилаб берилган. Бу эса республикамизда шахсга йўналтирилган таълимнинг йўлга қўйилиши учун зарур асосларни яратиб берди. Шахсга йўналтирилган ўқитиш аввало таълимнинг парадигмасини ўзгартиради. Шу пайтга қадар мавжуд таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, айти пайтда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик — ўқишга, ўргатишга йўналтирилган. Замоनावий таълим жараёнларининг вазифаси, энг аввало, ёшларни мустақил билим эгаллаш ва уларни амалиётда қўллаш малакасини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Бундай шароитда бўлажак мутахассислар кўшимча ахборотларни турли манбалардан мустақил эгаллаши, ўз шахсий нуқтаи назарини шакллантириши, уни асослаши ҳамда эришилган кўникма ёрдамида янги билим олиш малакасига эга бўлиши даркор.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кадрларни ижтимоий буюртма асосида — унинг шахсий ва касбий сифати ҳамда мутахассиснинг амалий касбий компетентини таъминлашнинг таркиби ва мазмунини ўзида акс эттирган замоनावий мутахассислар тайёрлаш тизими шаклланди. Эндилдиқда мазкур тизим асосида республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган реал эҳтиёжи, корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни мақсадли тайёрлаш амалга оширилмоқда.

Маълумки, биз таълим тизимида дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси ва барҳаёт миллий кадрларни уйғунлаштириш йўлидан бормоқдамыз. Бакалаврият ва магистратура тарзидаги икки босқичли олий таълимга ўтилгани ҳам бунинг яққол исботидир. Айнан тез ўзарувчан меҳнат бозори талабларига уйғун равишда кадрларни тайёрлаш имконияти бакалаврият ва магистратура босқичлари орқали амалга оширилади. Бакалаврият босқичида кадрларни тайёрлаш уларнинг фундаментал базавий касбий малака ва кўникмалари шаклланишига мустаҳкам замин яратмоқда. Тайёрланган кадрлар қайси жабҳада фаолият юритилганидан — саноят ёки қишлоқ ўрталлигини, хизмат кўрсатиш ёки ижтимоий соҳада, илмий-тадқиқот ишлари ёки педагогикада — касбий салоҳияти юқори эканини намойён этиб келмоқда. Икки босқичли олий таълим тизимида тайёрланган кадрлар республикамизда шаклланаётган янги касблар, янги соҳаларнинг тезкор ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Таълим тизимидаги ислохотлар инсонларнинг дунёқарашини ўзгартириди, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширди, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлади. Айниқса, бугунги ёшлар мамлакатимизнинг тарққиёти, демократик янгиланишларнинг ҳал қилувчи кучига айланмоқда. Бу — муҳим натижа, таҳсинга сазовор ютуқ.

Шунингдек, ўтган йиллар давомида олий таълимдаги халқаро ҳамкорлик натижасида ривожланган давлатларнинг университетлари билан биргаликда бакалавр ва магистр даражасидаги кадрлар тайёрлаш йўлига қўйилди. Машинасозлик, нефть ва газ, ахборот техно-

БАКАЛАВРИАТ:

КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИК ВА МОСЛАШУВЧАНЛИКНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТИ

логиялари, иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорига катта эҳтиёж мавжуд йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича тайёрланган кадрларнинг дипломлари нафақат ўзимизда, балки бутун дунёда тан олинмоқда.

Бакалаврият — таълимнинг тўрт йиллик таянч фундаментал олий маълумот беришга йўналтирилган муҳим босқичи ҳисобланади. Бакалавр кадрлар тайёрлаш талабаларга ижтимоий-гуманитар ва умуммиллий билимларни бериш билан бир қаторда уларнинг юқори касбий тайёргарлигини таъминлашни ҳам назарда тутди. Айниқса, хорижий тилларни ўқитиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш масалалари таълим дастурларида устуворлик касб этмоқда. Бу асосда бакалаврият дастурларининг асосий вазифаси шахснинг умумтаълим маданияти ва касбий сифатларини шакллантиришга хизмат қилади. Таълимнинг бу босқичида олинган билим ва кўникмалар бугунги глобаллашув замонига етук, рақобатбардош, мутахассисликка қўйилган замонавий талабларига тез

режасида катта соат ҳажми ажратилгани турибди. Бу эса бакалаврият битирувчиларининг касбий мослашувининг самарали амалга оширилишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, бакалавр даражасига эга ёшлар ўз касбий малакасига мувофиқ келувчи барча соҳаларда фаолият юритиши мумкин. Шу боис мазкур босқичда ўқийдиган талабаларнинг интеллектуал ва касбий салоҳиятининг юқори бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий мослашув жараёнларини талабалик даврдан бошлаб ташкил этиш — олий таълим тизимининг алоҳида аҳамиятга эга вазифаларидандир. Шу сабабдан бакалаврият битирувчиларининг касбий мослашув жараёнлари айнан кўйи курсдан бошлаб амалга оширилмоқда. Буни эса кадрлар тайёрлашда олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро ҳамкорлиги самарали натижаси сифатида қараш мумкин.

Афсуски, айрим кадрлар истеъмолчиларида бакалавриятни «тўлиқсиз олий маълумот» сифатида қараш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай ёндашувларнинг асосий сабаби бакалавриятда кадрлар

жуд ҳолларда тайёргарлик йўналишини ўзгартириш имкониятлари мавжуд бўлади. Яъни 24-25 ёшга қадар икки олий таълим мутахассислигига эга бўлиш мумкин. Ёшларнинг мутахассисликини танлаши, уни талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ўзгартириши қийин кечмайди.

Бакалаврият-магистратура тизими жорий этилганда кўпчилик бакалаврият битирувчилари механик тарзда магистратурага киришга ҳаракат қилиши тахмин қилинган эди. Бакалавриятда шаклланган амалий малакаларни иқтисодиёт соҳаларидаги касбий фаолият давомида жорий этиш билан бир қаторда ёш кадрларнинг кейинги таълим олишлари имкониятлари ҳам мавжуд. Бу эса шахснинг индивидуал имкониятларини самарали амалга оширишга замин яратади. Бакалаврият айнан универсал билимларнинг берилиши ёш кадрларнинг тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти талабларига тезкор мослашувчанлигини таъминлайди. Олий таълимнинг бакалаврият босқичи шахснинг касбий компетентлиги ва мослашувчанлигини таъминлашда кенг имкониятларга эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, олий таълим жамиятнинг асосий ривожланиш анъаналари, ижтимоий тузилмаларнинг шаклланиши, уларнинг ўзгариши ва такомиллашувида муҳим вазифани бажаради. Бундай вазифалар қаторига биринчидан, олий таълим муассасалари жамиятнинг ривожланиш асосини ташкил этувчи билим, малака ва кўникмаларни авлоддан-авлодга узатиш, иккинчидан, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларининг бажарилиши жамиятнинг истиқболли ривожланиш йўналишларининг илмий асосини яратишга хизмат қилади. Учинчидан, олий таълим муассасалари жамиятга юқори малакали кадрлар тайёрлаб беради, яъни иқтисодиёт соҳалари инновацион фаолиятининг кадрлар таъминоти амалга оширилади. Тўртинчидан, олий таълим муассасаларида жамиятнинг интеллектуал салоҳияти шаклланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш жараёнида бакалаврият ва магистратура талабаларининг касбий салоҳиятини замон талабларига уйғун такомиллаштириш билан боғлиқ қатор ечимини қутаётган масалалар ҳам мавжуд. Айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётини технологик асосда ривожлантириш олий таълим тизимида янги малакага эга мутахассис кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда инновацион ғоялар ва технологияларнинг муҳим манбаини шакллантириш талаб этади. Бундай муҳим вазифани олий таълим муассасаларининг амалий тадқиқот салоҳиятини тубдан ривожлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Олий таълим муассасалари қисқа вақт давомида иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёждан келиб чиқиб инновацион ғоялар ва ишланмаларни ҳамда ин-

новацион тадбиркорлик учун шароитларни яратиш, корхоналар учун амалий-илмий ва технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича илмий салоҳиятнинг шакллантиришлари лозим.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб университетимиз (Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)да профессор-ўқитувчилар ва талабаларни республика иқтисодиёт соҳалари инновацион фаолиятига жалб этишнинг методик тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилмоқда. Методик тизим университетнинг ижтимоий ҳамкорлигини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг иқтисодиёт соҳаларида кечётган инновацион фаолиятда самарали иштирокини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, уларнинг инновацион-интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш механизмларини амалиётга жорий этишни назарда тутди.

Методик тизим асосида иқтисодиёт соҳаларининг инновацион фаолият олиб бораётган корхоналари билан ҳамкорликда университет таълим жараёни модернизациялашуви амалга оширилади. Таълим мазмуни ва методларини такомиллаштириш ишлари корхоналарнинг инновацион ривожланиш йўналишлари ва шароитларига уйғун ҳолда олиб борилади. Кадрларга бўлган эҳтиёж асосида ўқув дастурларини такомиллаштириш, хорижий тилларни ўқитишни талабаларнинг келгуси касбий фаолият йўналишидан келиб чиқиб ташкил қилиш, замонавий таълим, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим, малака ва кўникмаларни шакллантирувчи кўп босқичли тизимни жорий этиш ўқув жараёнини модернизациялашувини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Битирувчиларни реал эҳтиёжлар асосида тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Битирувчи ўзининг доимий яшаш жойидаги ижтимоий, иқтисодий, техник ва технологиялар масалалар бўйича аниқ тақлифини ўзининг ўқш даврида ишлаб чиқади ва шу асосда бўлгуси иш жойига аниқ ечимга эга тақлиф билан жойлашиши мумкин. Методик тизим талабаларнинг ўқув ва малакавий амалиёт жараёнини худудларнинг ижтимоий, иқтисодий, техник ва технологик эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилишини таъминлайди. Тизимнинг амалиётга киритилиши худудларнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжини таъминлаш жараёнида худуд иқтисодиёт соҳаларининг олий таълим муассасалари билан ижтимоий шерикчилигини амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги олий таълим тизимидаги, жумладан, университетимизда амалга оширилаётган амалий ишлар бакалаврият ҳамда магистратура таълимнинг сифатини таъминлашга, мамлакатимиз илм-фани раванқига ҳисса қўшувчи билимли, интеллектуал етук кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Соҳада бугун эришилиб тurgan даража эртанги кун учун меzon бўла олмаслиги аён. Demak, biz boshqa jabhalar singari ta'lim-tarbiya tizimida ham faqat bugunning tashvishi bilan o'ralashib qolishga haqqimiz yo'q.

Фофуржон МУХАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси



мослашувчан кадрлар тайёрлаш учун асос — замин вазифасини ўтаб келмоқда. Бакалавриятни битирганларнинг асосий қисми мамлакатимизнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларида фаолият юритаётгани бакалавр дипломига эга ёшларнинг салмоғи ва ўрни нечоғлик катта эканини кўрсатади. Zero, бакалавр даражасини олган ёшлар ўзи эгаллаган касбий малака тақозо этган барча ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Олий таълим муассасаларида тайёрланган бакалавр даражасидаги кадрлар аввалги мутахассислардан ўзининг кенг базавий билим, амалий малака ва кўникмаларга эгалликлари билан ажралаб туради. Бунинг замирида назарий билимларни малакавий амалиётда синаб кўриш учун бакалаврият йўналишлари ўқув

тайёрлаш мазмунини етарлича тushунмасликда, деб ҳисоблаймиз. Бакалаврият ва мутахассис тайёрлашнинг асосий фарқи ўқитишнинг шакли ва мазмунидандир. Авваллари 5 йиллик ўқш даврида битирувчи асосан билимларни эгаллаган бўлса, эндиликда бакалаврият босқичи бўлажак касбий фаолиятда зарур бўлган компетентликни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бакалаврлар 4 йил давомида мутахассислик бўйича илгариги 5 йиллик ҳажмдаги билимларни ўзлаштириб, тўлиқ, ҳақиқий олий маълумотга эга бўлади. Кейинчалик бунинг афзалликлари намоён бўлади. Ўқитиш магистратурада ўзининг ихтисослиги ёки турдош ихтисослик бўйича бошқа олий таълим муассасаларида ҳам давом эттириш, шунингдек, истак ёки эҳтиёж мав-



◆ Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида оилаларни мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур ярмаркада қирқдан зиёд корхона ва ташкилотлар юзга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Шу кунни 72 фуқаро ишга жойлашди. Шунингдек, ярмарка қатнашчиларига кўргазмалар воситалари ва суҳбатлар орқали уларнинг касб-кори, мутахассислиги ва лаёқатига қараб зарур маълумотлар, меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жорий йилда туманда 4849 иш ўрни яратиш, шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан аёллар учун 2597, коллеж битирувчилари учун 2082 иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Тадбир доирасида маҳаллий хунармандлар, хусусий тадбиркорлар ва бошқа ишлаб чиқарувчи субъектларнинг маҳсулотлари кўргазмаси уюштирилди.

◆ Гулистон давлат университетидида "Талаба-ёшлар орасида жиноятликнинг олдини олиш" мавзусида мулоқот соати ўтказилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда уч мингдан зиёд талаба-ёшлар иштирок этди.

Самимий руҳда ва савол-жавобларга бой тарзда ўтган мулоқот соатида вилоят ички ишлар бошқармаси вакиллари вакиллари оид маърузалари тингланди.

Вилоятда мамлакатимизда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу иллатнинг жамиятда илдиз отишига йўл қўймастик, одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг бу қабоҳат исканжасига тушиб қолмаслиги учун мунтазам тезкор профилактика тадбирлари ўтказилмоқда.

Мулоқот соатида талаба-ёшларга ана шу масалалар ҳақида атрофлича маълумот берилди, "Гибевандлик – аср вабоси" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

◆ Пойтахтимизда "Лойиҳаларимиз – ёшларга, тадбиркорларга ва ҳар бир оиллага" мавзусида йилгили бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Мулкдор оила – фаровон жамият асоси" мавзусидаги форум доирасида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий банк, тижорат банклари, Савдо-санаят палатаси, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси раҳбарлари, тадбиркорлар, фермерлар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари ва молиявий манбалари, иштирокчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, оилавий тадбиркорларга муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, инновацион ва замонавий агротехника тадбирларини қўллаш фаолиятини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш юзасидан маълумот ва тавсиялар берилди.

◆ Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда адлия идоралари томонидан амалга оширилаётган тартибот ишлари жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш баробарида, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, 2011 йилда ўтказилган 204 мингдан ортиқ тадбирда 3,2 миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этган. Вазирлик томонидан яратилган "LexUz – ҳуқуқий ахборот излаш тизими"дан фуқаролар бепул фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, 2011 йил мобайнида 400 мингдан ортиқ нусхада Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслар, кодексларга шарҳлар, кодекслар тўпламлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик соҳага оид китоблар ва журналлар нашрдан чиқарилган. Таълим муассасалари учун 9 номдаги ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланиб, 20 минг нусхада тарқатилган.

Тадбирда адлия тизимида қонун ижодкорлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқий билимини бойитиш, халқро алоқалар, таълим, суд-экспертиза, малака ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

БИЛИМДОНЛАР РАҒБАТТА ЛОЙИҚ

«Аждодларимизга муносиб авлод бўлайлик» шiori остида Учтепа туманидаги 106-мактабда – математика ва информатика фанлари ойлги яқуни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. «Ал-Хоразмий авлодлари» деб номланган 5-синфлар ўртасида ўтказилган ушбу тадбирда ота-оналар ҳам иштирок этди. Улар фарзандларининг математика фани бўйича билим, кўникма ва малакаларни қай даражада ўзлаштираётгани билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Тажрибали математика фани ўқитувчиси Феруза Хўжаева томонидан

ташкил этилган ушбу фан фестивалида ўқувчилар дастлаб деворий газеталар, буклетлар, ижодий ишлари ва саҳна кўринишлари билан ўз иқтидор ва маҳоратларини намойиш этишган бўлса, «Ёш математиклар баҳси»да ўқувчилар билими синовдан ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ўқувчилар иштироки баҳолаб борилди. Беллашув якунида голиблар эълон қилиниб, фаол ўқувчилар рағбатлантирилди.

Ғолиб БАҲРОМОВ

ДАРДНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш осон. Бу ақида тиббиёт ходимларининг шioriга айланган.

Бўхоро туманидаги 53-ИДУ-МИда фаолият юритаётган шифокор Иқбол Муродова ва ҳамшира З.Уринова ҳам ана шу мезонларга

риб келишмоқда. Мактаб-интернатда ҳар ҳафта бир мартаба турли юқумли касаллик йўллари, касалликнинг олдини олиш хусусидаги давра суҳбатлари ўтказиб туриш одатга айланган. Ҳамшира З.Уринова ҳар кунни синфлар тозаллигини, ўқувчиларнинг соғлигини назоратдан ўтказида. Иқбол Муродова эса турли касалликларга чалинган ёки унга мойил

ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, тегишли тавсиялар бериб боради.

Таълим муассасасининг тиббий хонаси доимо саранжом-сарийта, дори-дармон ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Биргина ўтган 2011

Salomatlik — tuman boylik

аил мобайнида илм маскани томонидан 500 минг сўмлик дори-дармон камкон ва бўқоқ касаллигига мойил болаларни даволашга сарфланди.

Бўхоро вилояти

и йил мобайнида илм маскани томонидан 500 минг сўмлик дори-дармон камкон ва бўқоқ касаллигига мойил болаларни даволашга сарфланди.

С.ТОШЕВА

Бўхоро вилояти

ТАНЛОВЛАРДА ТОБЛАНАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Учтепа туманидаги 312-умумтаълим мактабида ўқув машғулларини замонавий технологиялар асосида ўтиш, айниқса, фан ойлари доирасида илғор тажрибаларга асосланган очик дарслар ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Болаларга мавзуларни тушунтирар эканмиз, уларнинг ўзлаштириши, истеъдодига қараб ҳар бирига алоҳида ёндашишга ҳаракат қиламиз. Шу маънода, муассасамизда мунтазам ўтказиладиган «Энг намунали ўқувчи», «Энг фаол газетхон», «Заковат» каби танловлар ҳам ёшларнинг ўзига хос иқтидорини намойиш этишлари имконият яратмоқда. Бу кўрик-танловлар натижасида «Энг яхши ижодкор ўқувчи» Робия Абдураҳмонова (8-синф), «Заковат» танлови голиби Сардор Зокиров (9-синф) сингари иқтидорли ўқувчиларимиз туман миқёсида ўтказиладиган турли танловларда ўз билимларини намойиш этиб, яхши натижаларни кўлга киритмоқдалар. Педагоглар ус-

лубий инновацион технологияларга таянган ҳолда физика, математика, чизмачилик дарсларини чуқур ўргатишга интиладилар. Жумладан, «Зинама-зина», «Чархпалак» технологияларини қўллаш ўқув машғулларининг қизиқarli ўтишига ёрдам беради. «Чархпалак» технологияси бўйича синф ўқувчиларига айланма йўналишда материаллар тарқатилади ва гуруҳлар ўзига тегишли сўровномани ўрганишади. Маълум вақт давомида белгиланган жавоблар муаллим томонидан таҳлил этилгач, тўпланган баллар ҳисобланади. Бунда ҳар бир ўқувчидан чаққонлик билан ақлни ишга солиш ва фаоллик талаб этилади.

Бундай тажрибалар қизиқувчан, интеллектual салоҳиятли, интилувчан ёшларимиз шижоатини янада оширишга хизмат қилаётди.

Дилбар ТЎХТАЕВА,
мактаб ўқитувчиси

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ДАРС

Баҳор фасли кириб келиши билан табиат ўз гўзаллигини намойиш этади. Ушбу фасл юртимизга гўзал байрамлари билан таширф буоради. Ана шу айёмлар ичида Наврўзинг аҳамияти ўзгача. Ушбу айём арафасида барча таълим муассасаларимиздаги ўқувчи-талабалар табиат гўзаллигига ҳисса қўшиб, атрофмуҳит тозаллигига катта эътибор қаратадилар.

Баҳорнинг илк ойи-кимё, биология, физика фанлари ойлги муносабати билан ўқувчилар табиат уйғунлигига ҳамоҳанг тарзда қўллаб тадбирлар уюштирадидлар.

Юнусобод туманидаги 239-мактабда ҳам ушбу фан ойлги намунали ўтмоқда. Илм масканининг биология фани ўқитувчилари Хосият Жуманиёзова, Севара Абдураҳмонова барча дарсларда кўргазмаларни қўриб, слайд, замонавий ахборот технологиялари билан бирга табиат қўчоғига



саёҳат уюштириб, ўқувчиларга чуқур билим бермоқдалар. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида «Мен билимдон биологман» беллашуви, деворий газета, реферат, кўргазмалар танлови ҳам намунали ташкил этилди. Очик дарслар лаборатория машғуллари ва амалий ишлар билан бойитилиб,

мазмунли олиб борилмоқда. Аини кунда ўқувчилар «Қушлар — бизнинг дўстимиз», «Гуллар байрами» ва «Ассалом, Наврўзи олам!» тадбирларига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Мархабо ҚОПЛОҒБЕКОВА,
ТДПУ 4-босқич талабаси

Navro'z bayrami biz uchun hayot abadiyligi, tabiatning qudrati va cheksiz saxovatining, olijanob urf-odatlarimizning betakror ifodasidir. Bu bayram Sharq xalqlarida qadim-qadimdan yilning dastlabki kuni, yasharish, yangilanishning boshlanishi sifatida qadrlanib kelingan. Bu bejiz emas, albatta. Kun bilan tun tenglashgan ushbu ondan boshlab tabiat uyg'onadi, yashillikka yuz tutadi.

Ajdodlarimiz Navro'zni mehnat bayrami sifatida nishonlab, yerga qo'sh solishgan. Mevali va manzarali daraxt ko'chatlari o'tkazib, yangidan-yangi bog'-rog'lar barpo etishgan. Bugun tilimizda ko'p ishlatiladigan mehr-oqibat, mehr-shafqat, qadr-qimmat tushunchalari mazkur bayram bilan hamohangdir.

Tavsiya

tarbiyaviy ahamiyati, kelib chiqish tarixi Navro'zoy, Dehqonbobo, Gulchechak obrazlari orqali yetkaziladi.

Boshlang'ich sinflarda o'tkaziladigan bayram tadbirlarida Navro'zni madh etadigan qo'shiqlarni jo'r bo'lib kuyulash orqali, shuningdek, uning yangi kun ekanligi, bemorlar holidan xabar olish, yumushlariga yordamlashish, ko'cha va ariqlarni tozalash, gul va



Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-9-sinf-larida;

— ta'lim muassasasining imkoniyatidan kelib chiqib, musiqa va san'at yo'nalishidagi turli ko'rik-tanlov g'oliblari ishtirokida "Men — mustaqil yurt farzandiman" deb nomlangan konsert dasturini tayyorlash;

— "Birinchii kitobim" — yosh ijodkorlarning yangi chop etilgan asarlari taqdimot marosimlarini o'tkazish;

— "Jahon tan olgan yurt", "Qadriyatlar beshigisan, mahallam!" mavzularida fotolavhalar ko'rgazmasini tashkil qilish;

— o'quvchilar o'rtasida "Sport — harakat, harakat — sog'liq" va ota-onalar bilan hamkorlikda "Otam, onam, men — sportchilar oilasi" kabi shiorlar ostida sport musobaqalarini o'tkazish;

— "Vatanim, muborak bo'lsin Navro'zing!", "Yangilanish fasli", "Istiqbolli Navro'z bu kun!", "Navro'z — o'zbek xalqining qadimiy bayrami!", "Navro'z — allomalar nazmida" kabi mavzularda ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Ushbu tadbirlarda o'quvchilar o'rtasida o'zbek xalqining laparlari, yor-yor, salom, payrovi aytishuvlar ham o'rin olishi bayram tadbirining qiziqarli o'tishini ta'minlaydi.

Navro'z tantanalarida o'zbek xalqining urf-odatlaridan hashar o'tkazishning tarbiyaviy ahamiyatini tushuntirish va shu asosda ko'cha, mahalla, qishloq, maktab atroflarini obodonlashtirish, ariq-zovurlarni tozalash, gul va daraxt ko'chatlari o'tkazish an'anasining qadim-qadimdan mavjudligiga alohida urg'u berish lozim.

Bayramga bag'ishlab o'tkaziladigan tadbirlarni "Hushyorlik va ogohlik — davr talabi" yo'riqnomasiga qat'iy rioya qilgan holda har bir ta'lim muassasasida tashkil etish lozim.

Bahor — ona-tabiatning fursunkor fasli. Navro'zi ayyom bu faslga ajib chiroy, joziba baxsh etadi. Bugun tabiatning bu jo'shqinligi odamlar qalbiga ham ko'chgan. Ular chehrasidagi tabassum, shodlik o'zgacha. Tilagimiz shuki, qarshi olayotgan Navro'zimiz mamlakatimizga osoyishtalik, oilalarimizga tinchlik, mustahkamlik va qut-baraka olib kelsin!

Respublika Ta'lim markazi, Ijtimoiy, iqtisodiy bilim asoslari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'limi

NAVRO'Z — NAFOSAT BAYRAMI!



tayyorlanadigan shifobaxsh taomlar, bahor elchisi — boychechak, ko'klamda uyg'onadigan ilk hasharotlar haqida gapirilib, ona-tabiat orqali ular qalbida borliqqa, Vatanga mehr-muhabbat uyg'otish mumkin.

Ularga Navro'zning

ko'chat ekishning xosiyatlari bola yoshiga mos ravishda tushuntirib beriladi. Shu bilan birga, quyidagi tadbirlarni tashkil etish maqsadga muvofiqdir:

— "Navro'zi Olam", "Assalom, Navro'z", "Navro'z — mehnat bayrami", "Qari

bilganni, pari bilmas" mavzularida davra suhbatlari va ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar;

— "Quvnoq startlar" sport musobaqalari;

— "Tinchlik bo'lsin dunyoda" rasmlar tanlovini ommaviy tashkil qilish tavsiya etiladi.

MAQOLLAR

Kun g'amini sahar ye, Yil g'amini bahor ye.

Navro'zdan so'ng qish bo'lmas, Mezondan so'ng yoz bo'lmas.

Yaxshi odam ko'zidan, Yaxshi yil Navro'zidan.

Yaxshi yil bahoridan, Yaxshi kun saharidan.

Yaxshi kelsa hutni ko'ring, Xurma-xurma sutni ko'ring.

Qantar ovsa, qalt etar, Dehqonning ko'zi yalt etar.

Qantar ovsa, qoziqning boshida qor turmas.

Qishning qori yoz(bahor)ga dori.

Hut kirdi, yer ostiga dud kirdi.

AYTIMLAR

Ayyom yomg'iri yog'sa: «Ovlajon boshini yuvdi», — deyishadi.

Ayamajuz olti kun, Yotib qolsa, yetti kun. Sakrasa — sakkiz kun, To'qransa — to'qqiz kun, O'qransa o'n kun. O'tirib ketsa — o'ttiz kun, Qayrilib ketsa — qirq kun.

Aziz momo olti kun, Yumalab ketsa — yetti kun, Sakrab ketsa, sakkiz kun, To'qrab kelsa — to'qqiz kun.

Ayyom-Aziz To'qsonga aytadi: — To'qson — bir kunimcha yo'qsan.

Ta'lim muassasalarida Navro'z bayramini ko'tarinki ruhda nishonlash yuzasidan quyidagi tavsiyalar beriladi:

— har bir ta'lim muassasasi o'zining "Navro'z — bahor va nafosat bayrami!" mavzusidagi tadbirlar rejasini ishlab chiqishi;

— bayram tadbirlari mazmuniga "Mustahkam oila yili" davlat dasturida belgilangan vazifalar, mustaqillik yillarida mamlakatimizda davlat va jamiyat hayotining turli sohalarida, xususan, ta'lim tizimida amalga oshirilgan ulkan islohotlar va erishilgan yutuqlar mohiyatini singdirishga hamda jamiyatimizda mehr-oqibat va o'zaro hamjihatlik muhitini mustahkamlash, xalqimizga xos bo'lgan ezgu fazilatlarni yanada yuksaltirishga alohida e'tibor qaratish;

— bayram dasturlarini tuzishda "Ona yurtini ulug'laymiz" mavzusida milliy urf-odat, an'analar, xalq qo'shiqlari va o'yinlarining joy olishiga, turli millat vakillari tomonidan tayyorlangan dasturlarning namoyish etilishiga alohida e'tibor qaratish;

— ta'lim muassasalarini mustaqillik yillarida erishilgan yutuqlar va Navro'z shukuhini targ'ib qiluvchi, bayram mazmun-mohiyatini keng ommaga yetkazuvchi tasviriy vositalar bilan bezatish;

— bayram tadbirlarini har bir ta'lim muassasasida, ayniqsa chekka qishloq va ovullarda aholining keng qatlamlarini qamrab olgan holda, yoshlar ongi va qalbida uzoq vaqt saqlanib qoladigan, ularni ezgu ishlarga da'vat etadigan ruhda, ko'tarinki kayfiyatda o'tkazish;

— o'quvchilarning bahorgi ta'tili davrida «Barkamol avlod» bolalar markazlari, umumiy o'rta ta'lim, bolalar va o'smirlar sport maktablari qoshidagi to'garaklar, sport zallari va maydonchalarining to'liq ishlashini ta'minlash;

— tadbirlarni tashkil etish va o'tkazishda O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi, Respublika Ma'naviyat targ'ibot markazi, Xotin-qizlar qo'mitasi, "Kamolot" YOLH, Yozuvchilar uyushmasi, Baynalmilal madaniyat markazi, "Mahalla" xayriya jamg'armasining joylardagi bo'limlari bilan faol hamkorlik qilish.

Maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilari tevarak-atrof, ona yer, uyg'onish fasli haqidagi ilk tushunchalarni tabiat qo'ynida olgani ma'qul. Bunda ularga maysalar, gullar, quyoshning iliq nuri, ko'katlar va ulardan

Таълим сифати ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига боғлиқ. Тажриба эса доимий ўқиб-ўрганиш, фанга доир янгиликлардан мунтазам бохабарлик асосида шаклланади. Бунда эса мактаб фан методбирлашмалари, методика кенгаши фаолияти муҳим ўрин тутadi.

Мактаб методика кенгаши таълим муассасасидаги методбирлашма фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, методик ишларнинг асосий йўналишларини белгилаш, ўқитувчиларни илмий, методик, дидактик материаллар, ўқув дастурлари мазмуни билан таништириш, янги педагогик технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни ташкиллаштириш, педагоглар касбий маҳоратини шакллантириш, мактабни ўқув-методик ва моддий ривожлантириш юзасидан тавсиялар бериш, таълим муассасаси педагогик ходимларининг иш тажрибаларини оммалаштириш, ёш мутахассислар билан ишлаш, йўналишлар ва фанлар бўйича методбирлашмалар ҳисоботини эшитиш, муҳокама қилиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни амалга оширувчи бўғиндир.

Маълумки, Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 4 июлдаги «Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи билан тасдиқланган «Таълим муассасаларининг методика кенгаши тўғрисида» ҳамда «Умумий ўрта таълим мактаби фан методбирлашмалари тўғрисида»ги низоомларига мувофиқ мактаб методика кенгаши фаолиятини мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бошқаради. Ушбу кенгаш фаолиятини самарали ташкил этишда ўқув йилининг ҳар чорагида ўтказиладиган йигилишларда муҳокама учун қўйилган мавзуларнинг долзарблиги катта аҳамиятга эга.

уни ўтишгача бўлган жараёнларни амалда кўрсатиб беришяпти. Ҳам дарс ўтиб, ҳам шогирдлари дарсларини қузатиб илмий-методик ёрдам кўрсатишмоқда.

Бизнинг таълим муассасамизда ҳам «Устоз-шогирд мактаби» фаолиятини ташкил этишда, энг аввало, устознинг шогирд билан **тенг педагогик ҳамкорлигини** йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Устоз-шогирдлик жараёнида барча вазифаларнинг шогирдга юклаб қўйилиши ижодий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Юқорида таъкидланган тенг педагогик ҳамкорлик ўрнатилганда эса устознинг ҳам, шогирднинг ҳам амалга ошириши зарур бўлган вазифалари олдиндан аниқланган ва натижа учун икки томоннинг ҳам тенг равишда масъуллиги таъминланди.

«Устоз-шогирд мактаби» фаолиятининг ҳисобот-тақдимотида устоз томонидан шогирдга берилган амалий ёрдам ва маслаҳатлар, дарс таҳлиллари, унга тайёргарлик кўриши, АКТ ва

4-босқич — ўқувчини амалий иш турига тайёрлашда «ZiyoNet» таълим тармоғидан, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, тарихий обидаларга доир адабиётлардан ҳамда дарсликдан фойдаланиш, мезон талаблари доирасида ўқувчида ўз мустақил фикрини ёзма баён этиш малакасини шакллантириш назарда тутилади. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигида бажарилган мустақил ўқиш, савол-жавоб, ёзма топшириқлар ўз натижасини беради.

Мактаб методика кенгашида «Устоз-шогирд» ҳамкорлигида тайёрланган методик қўлланмалар тақдимоти ҳам ўтказилиб борилмоқда. «Дарснинг технология харитасини тузиш», «Дарс таҳлили турлари», «Ўзлаштирилиши мураккаб мавзуларни ўқитиш усуллари», «Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларини тўлдиришда ўқитувчи фаолияти» мавзуларидаги методик қўлланмалар «устоз-шогирд»ларни ҳамкорликда изланишга, манба топишга ундади, десак хато бўлмайди. Шу ўринда мамнуният билан таъ-

вазифасини ўтайди. Аввал ҳар чорада ўтказиладиган методика кенгаши йигилишларидагина ўқитувчиларнинг ушбу фаолияти таҳлилга тортилган бўлса, эндиликда ҳар ой, ҳар ҳафта, ҳар кун мана шундай тақдимотни ташкил этиш мумкин. Ушбу тажриба алмашуви жараёни, аиниқса, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, мураккаб мавзуларнинг ўқитилишида ўзига хос ёндашувлар, хорижий тилларни ўргатиш борасида ўқитувчиларимизга яқиндан ёрдам бермоқда. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай тақдимотда инглиз тили фани ўқитувчилари Б.Уроқованинг «Инглиз тили дарсларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш», У.Маҳкамованинг «Инглиз тили дарсларида кичик лойиҳаларни қўллаш», она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари А.Насимованинг «Она тили ва адабиёт дарсларида интерактив усуллардан фойдаланиш», М.Каримованинг «Она тили дарсларида муаммоли таълим» мавзуларидаги методик тақдимоти ташкил этилди ҳамда туман миқёсида

МАКТАБ МЕТОДИКА КЕНГАШИ

унинг таълим сифати самарадорлигини таъминлашдаги ўрни қандай?

Методика кенгаши йигилишларининг пухта тайёргарлик билан ташкил этилиши ўз-ўзидан методбирлашма фаолиятини жонлантиради, ҳар бир жараёнда уларнинг масъулиятини оширади, методик хизматга бўлган эҳтиёжнинг аниқлиниши ҳамда мақсадли амалий ёрдам кўрсатишга хизмат қилади.

Кенгаш кун тартибига қўйилган масалаларни кўриб чиқишда бир хилликдан воз кечиш, семинар-тренинг, педагогик технологиялар бўйича аукцион, намойишлар, кўргазмалар тақдимот, ҳисобот-тақдимот каби ташкилий-педагогик технологияларнинг жорий этилиши жамоани инновацион фаолиятга жалб этиб, вазифаларнинг аниқ қўйилишини таъминлайди. Ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши, ўқитувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам бу борадаги ишларнинг савиясини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчиларнинг ижодий ҳисоботларини тинглаш, методик муаммолар бўйича таҳлифлар олиш, фанлар кесимида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг ДТСга мослигини аниқлаш мониторингининг натижаларини таҳлил этиб бориш методик ишларнинг ажралмас қисмидир.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда ўзим фаолият юритаётган мактаб методика кенгашининг йиллик иш режасини тузишда аниқ шариоит ҳамда педагогик жамоа олдида турган вазифаларнинг долзарблилик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратдим.

Бугунги кунда қарийб ҳар бир таълим муассасасида «Устоз-шогирд мактаби» фаолият кўрсатишмоқда, ўқитувчилар касбий маҳоратини ошириш устaxonаси мавжуд. Уларда маҳоратли устоз ўқитувчилар шогирд-ҳамкасбларига дарсга тайёргарлик кўришдан тортиб,

кўргазмалар воситалардан фойдаланиши, ўқувчилар билан ишлаш маҳорати кабилар ўз аксини топади. Бу жараёнида самарадорлигини ошириш учун, аввало, устоз томонидан шогирд-ўқитувчига ўқувчилар билан индивидуал ишлаш усуллари ўргатилади.

Мисол учун, мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Р.Ражабованинг шогирд-ўқитувчилар Д.Эргашева, К.Фахриддинова, Ш.Чўлиев билан ҳамкорликдаги иш услуби қўйидаги босқичлардан иборат тарзда ташкил этилган:

1-босқич — ўқувчиларни фан олимпиадалари, билимлар беллашуви каби танловларга тайёрлашда ўқитувчининг ҳам, иштирок этувчи ўқувчининг ҳам ўтказиладиган танловнинг баҳолаш мезони ва ўтказилиш тартиби билан таништириш.

2-босқич — ўқувчининг кўшимча адабиётлар, қўлланмалар билан таъминланиши. Дарсликдан мустақил ўрганиш учун мавзуларнинг белгилаб берилиши.

3-босқич — машғулотлар жараёнида ўзлаштирилган мавзулар юзасидан тестлар тайёрлаш ва тестларнинг мураккаблик даражаларини тўғри белгилаш. Бунда ўқувчи билимидаги бўшлиқлар аниқланиб, у ҳамкорликда ёки мустақил топшириқлар ёрдамида тўлдирилади.

кидлашни истардимки, таълим муассасамиз вилоят анжуманида «Устоз-шогирд» тизимида ишлашни энг намунали ташкил этган мактаб», деб эътироф этилди.


Шунингдек, методика кенгаши томонидан мактаб меъёрий ҳужжатларини юритиш, ўқитувчининг компьютер саводхонлигини ошириш, синф раҳбарининг тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаши, тўғарак машғулотларини ўтказишни режалаштириш каби йўналишларда амалий машғулот соатларининг ташкил этилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчини изланишга, янгилик қилишга, ўқитишнинг турли самарадор усуллари киф қилишга ундовчи куч — ўз вақтида кўрсатилган эътибор ва рағбатдир. Мана шу ўринда фан методбирлашмалари ҳамда мактаб методика кенгашининг роли яққол намоён бўлиши керак. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда мактабимизда илгор тажрибалар тақдимотини ўтказиб боришни йўлга қўйдик. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, ўқитувчилар томонидан таълим жараёнига татиқ этилаётган бирор-бир самарадор усул ёки ёндашув доимий равишда ҳамкасблари эътиборига ҳавола қилиб борилади. Бу эса ўзига хос тажриба алмашув

оммалаштиришга тавсия қилинди. Энг қувончлиси, натижалар ўқувчиларимизнинг турли кўрик-танловлар ҳамда билимлар беллашувидаги муваффақиятларда намоён бўлмоқда. Мисол учун 9-синф ўқувчиси Чарос Шухратова «Ким кўп китоб ўқийди?» республика танловига 3-ўринни олди. Мактаб ўқувчилари Г.Равшанова ва она тили ва адабиёт, Х.Фозилова тарих фанларидан Билимлар беллашувининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этдилар. Мактабнинг 9-синф ўқувчилари тарих, чизмачилик, Давлат ва ҳуқуқ асослари фанларидан вилоят фан олимпиадаларида мунтазам голибликни қўлдан бермай келаяптилар.

Маҳоратли ўқитувчиларимиздан яна бири И.Узоқова рус тили ва адабиёти фани бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловининг голиблики бўлди. 10 нафардан зиёд ёш ўқитувчилар мазкур танловнинг вилоят босқичида совринли ўринларни эгаллаб, ўқувчилар билим сифатини ошириш устида узлуксиз равишда иш олиб боришмоқда.

Меҳринисо ҲАМРОЕВА,
Нурота туманидаги
18-умумий ўрта таълим
мактаби директорининг
ўқув ишлари бўйича
ўринбосари





Istiqlol — imkoniyat

Дадамнинг Неъмат деган собиқ синфдоши бор. Онамнинг айтишича, (ота-онам бирга ўқишган) у «бе-зоғи» ва «иккичи»лардан бўлганлиги учун бирор соҳага лаёқати йўқ деб топилиб, мактабдан ўша пайтдаги СПТУларнинг бирига «бадарга» қилинган экан. Бор-йўғи қурилиш соҳасидаги муайян бир иxtisosлиги бўлмаган «ишчи» номи билангина ўқишни тамомлаган Неъмат ака умри давомида на бирор қурилиш корхонасида ишлади, на бир жойда олган билимини кўллади. Бироқ унда уй ҳайвонлари ва паррандаларини парвариш қилишга қизиқиш кучлигидан ветеринар бўлиш истаги ҳам йўқ эмасди. Негадир...
Ўқишни битириб келгач, узок йиллар у ёки бу соҳада ишлаб тирикчилик ўтказди. Мустақилликка эришилган йилларнинг дастлабки давлари кишиларга шахсий хўжалик билан шуғулланишга имконият яратилгандан кейингина унинг болалиқдаги қизиқишлари қайта ўйгонгандай бўлди. Ва ўтган йигирма йилни чорвачиликка бағишлади. Бугун Неъмат аканинг шахсий бизнеси бор: бўрдоқчилик билан шуғулланади.

ишлайдиган энг мижози кўп ёш усталардан.
Бу икки ака-уканинг касбга бўлган қизиқиши болалиқдаги автомобилъ кандай харакатланади, деган саволга жавоб излаш билан бошланганди. Улар дадасига «эски дарди» тез-тез тугти турадиган «Жигули» русумидаги энгил машинасини тузатишда ҳар доим ёрдамчи бўлишарди. Бироқ техника соҳасида умумий тушунчага эга бўлган отага ҳар сафар янги муаммоси юзага келаётган машинани эпакчага келтиришдан кўра бўлажак усталарнинг саволларига жавоб топиш мушкулроқ эди. Ва ниҳоят тўққизинчи синфини тамомлаган Ҳусниддин ўзи танлаган йўналиш бўйича тахсил олиш учун Тошкент автомобилъ ва йўллар касб-хунар коллежига ўқишга кирди.

билан тиллашиш, мижозлар билан муомала қилиш, ишдаги қийинчиликларни сабот билан энгиб ўтиш каби масалалардан ҳаётий сабоқ олди.
Жамолиддин ўқишни тамомлаётган йили Яққасарой туманида янги очилган «Тошкент DEAWOO» автосалони техник хизмат кўрсатиш шохобчасига ёш мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Тошкент автомобилъ ва йўллар касб-хунар коллежига мурожаат қилади. Аввал Жамолиддин, кейин хизмат суҳбатдан ўтиб ишга жойлашади.
— Анча йиллардан бери автотомбилларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат қиламан, — дейди ушбу шохобчанинг бош устаси Баҳодир Ҳамроҳонов. — Кўл остида кўплаб усталар ишлади, кўплаб шоғирдлар етишиб

пайтлари ойда бир миллиондан ортик маблағ топади. Бу ёш оила эҳтиёжини тўқис қондирмоқда. Фарзандлари қўли гул уста бўлиб, ўз ўрнини топиб яшаётганидан уларнинг ота-оналари ҳам ҳаётдан, ҳам юртимизда Президентимиз раҳнамоллигида яратилаётган барча соҳалардаги шароит ва имкониятлардан миннатдор.

— Бугун юртимизда ўқиб изланаман деган ёки касб-хунар эгалламоқчи бўлганларга ҳамма имкониятлар бор, — дейди Ҳусниддин. — Айниқса, тадбиркорлик қиламан деганга эса бундан ҳам ортик. Бир нарсадан хурсандман: бизга таълим пухта берилди, тўғри йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ кўпчилик ёшлар ўзлари қизиққан соҳасида касби ва ишига эга бўлишмоқда. Келгусида укам билан биргаликда шахсий бизнесни ташкил қилиш ниятимиз бор. Бунинг учун лойиҳаларимиз тайёр. Яна бир нарсани айтий: касб-хунар коллежиде иқтисодий билим асослари фанидан бизнес лойиҳа тузиш бўйича олган билимларимиз шу ерда анча кўл келди.

Дарҳақиқат, бугун ўрта махсус, касб-хунар таълими ёшларимиз ҳаётининг туб бурилиш палласида мислсиз аҳамият касб этиши билан юртимиз таълим тизимининг жавҳари ҳисобланади. Мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган «Оқсак билим ва интеллектуал ривожланган авлодини тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳамда унинг яқуний ҳужжати — резолюциясида ҳам хорижий мутахассислар томонидан Ўзбекистоннинг таълим тажрибасини, айниқса, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида амалга оширилаётган ишларни кенг миқёсда ўрганиш тавсия қилинди. Бугун олиб борилаётган таълим сиёсатининг нақадар пухта ўйланган амалга оширилаётгани, шунинг билан бирга ёшлар келажаги аниқ режалар асосида таъминланаётганини мақолабиз қаҳрамонлари каби кўплаб ёшларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аброр УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Касб-хунар эгаллаш: КЕЧА ВА БУГУН

Болалигимда «СПТУга «иккичи»лар жўнатиларди» деган гаплар қулоғимга сингиб қолганлиги боис ҳамда қизиқувчанлигим тутиб, у билан суҳбатлашганимда бугунги касб-хунар коллежлари ҳақидаги фикрини сўрадим. У ўз ҳаётидан мисол келтириб, бугунги ва кечаги кунни муқояса қилди:

— Очигини айтиш керак, ўз фарзандларимга қараб ҳозирги ёшларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятларга роса ҳавасим келади. Мен уч йиллик умримни СПТУда ҳеч нарсани тушунмай ўтказдим. Қизиқмаганидан кейин, бунинг устига кўпчилик ўсимирлар ўзингга ўхшагани учун дарслар ҳам наридан бери ўтилгани боис, бирор нарсга ўргана олармидинг?! Ҳатто мустақил ҳаётга ҳам жуда кеч кириб келдим. Бугун-чи?! Бугун касб-хунар коллежи ўқувчисига бир эмас, икки-уч иxtisosлик ўргатилиши ва диплом берилиши билан бирга ўқишни битиргач, иш ўринлари ҳам тайин қилинмоқда. Энг аввало, мактаб ўқувчилари ўзи қизиққан соҳаси бўйича касбга йўналтирилмоқда. Ундан ташқари, ўша касбга ҳудудда қанчалик эҳтиёж борлиги ҳам ўрганилмоқда. Масалан, кенжа ўғлим уйдаги маийший электр жихозларини таъмирлашни яхши тушунар, қачон қарама қайсидир жиҳознинг қурилмаларини ёйиб, текшириб ўтирган бўларди, бироқ юрист бўлишни орзу қиларди. Тўққизинчига ўтганда ўқитувчиларининг тушунтириш иш-

лари билан фикри ўзгариб, Уй-жой, коммунал ва маийший хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича сервис йўналиши, маийший хизмат техникалари ва касса аппаратларини таъмирлаш соҳасини танлади. Уйлайманки, эртага у касб-хунар коллежини битиргач, олган билим, малака ва кўникмаси билан бемалол ишлаб кетади. Чунки, бу уйдаги техникага ўзи қараётганлигидан, устага нафақат бизни, балки қўшнилари-нинг ҳам иши тушмай қолганидан маълум. Насиб қилса, ўзига бир устахона очиб бераман.

Ҳа, дадамнинг синфдоши айтган гаплар ўз ҳаёти ҳақиқатлари асосида дилдан тилига кўчди. Дарҳақиқат, бугун истиқлол фарзандларининг турмуш тарзи унинг ёшлик йилларидан бутунлай фаркли: завқли, мақсадли ва масъулиятли. Буни ака-ука Ҳусниддин ва Жамолиддин Умаровлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Тошкент автомобилъ ва йўллар касб-хунар коллежининг собиқ битирувчилари ҳозирги кунда Яққасарой туманидаги «Тошкент DEAWOO» автосалонининг техник хизмат кўрсатиш шохобчасида қўли қўлига тегмай

— Ўша пайтда акамнинг техникани тушунишда мендан илгарилар кетгани роса алам қилганди, — дейди Жамолиддин. — У ҳар кун касб-хунар коллежиде ўрганаётган билимини амалий машғулотларда ўз қўли билан бажарганини айтиб ичимга чўғ соларди. Мактабнинг тўққизинчи синфини тамомлаб, мен ҳам унинг ортидан ўша касб-хунар коллежини танладим. Ўқиш жараёнида шуни билдимки, касб-хунар коллежиде шарт-шароитлар, касб сирларини ўргатиш усуллари, ўқувчиларга ёндашув акам айтганидан ҳам аълоқроқ экан. Нафақат соҳага доир, балки ҳаётимиз учун керак бўлган табиий, аниқ, ижтимоий-гуманитар фанлар, компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланиш ҳам етарлича ўргатилди. Айниқса, ишлаб чиқариш амалиёти корхоналарда устоз-шоғирд тизими асосида ташкил этилганининг биз учун аҳамияти жуда юқори бўлди. Негаки, касб-хунар коллежидеги ўқитувчиларимиз касб сир-асрорларининг илмий-амалий жиҳатларини тушунтирган бўлса, корхона ва ташкилотлардаги устозларимиз ёрдамида техника

чиқди. Тан олиб айтаман, бугунги кунда касб-хунар коллежини тамомлаб чиқаётган соҳа мутахассислари анча салохиятли. Буни ака-ука Ҳусниддин ва Жамолиддин Умаровлар мисолида ҳам айтиш мумкин. Ўзим устага шоғирд тузиб шу соҳани ўрганганман. Шоғирд мустақил иш бажариши учун эса, хоҳлайсизми, йўқми, уч-тўрт йил вақт кетарди. Баъзан шоғирдларимиз машина эҳтиёт қисмларини тузатишга ёрдам бериб, ўзи ҳам бажарарди-ю унинг вазифаси нима эканлигини билмай хуноб қиларди. Ҳусниддин ва Жамолиддин ишга янги келганда бош уста сифатида улар билан ишлаганман. Бу жуда мароқли бўлган. Ҳатто айрим нарсаларни улардан ўрганганман ҳам. Бугун диплом билан ишга келаётган ёш мутахассислар нафақат деталь ва эҳтиёт қисмлар, уларнинг ишлаш тизимини яхши билади, балки соҳада қўлланилаётган энг замонавий компьютерлашган жиҳозлардан ҳам фойдаланишни бемалол удалашмоқда.

Ҳусниддин икки фарзанднинг отаси. Бу ерда олаётган маоши чўғли. Яхши ишлаган

МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида қабул жараёнига ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Тингловчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, даволат мониторингини олиб бориш ва қайта ишлаш имконини берувчи оптималлашган бундай дастур малака ошириш тизимининг объективлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, келгусида мuddатидан олдин ёки кейин малака оширишга юборилувчиларни аниқлаш мониторингини юртимиз, ўз навабатида малака ошириш сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради, деб айтиш мумкин.
Ўқув жараёнига блокли ўқитиш модели татбиқ этилиши ва шу асосда ҳар ҳафта охирида синовлар ўтказилишини ўзига хос янгилик, дейиш мумкин. Негаки, бунда маълум фанларга оид билимлар кетма-кетлик асосида чуқур ўргатилади экан. Тингловчилар шу блок-

даги фанлар бўйича ҳафта охирида синов топширини ординдан билади ва унга пухта тайёрларлик кўради, шу соҳа бўйича билим ва малакаларини намойиш этишга харакат қилади. Синов даврида ҳар бир ҳолатни тасвирга олиш йўлга қўйилгани боис ҳаққонийлик, холислик таъминланмоқда.

Эътиборлиси, ўқув режасига 12 соатлик «Фанни ўқитишда ахборот технологиялари»нинг киритилгани ва бу соҳада институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ўқув машғулотлари олиб бораётгани, ўқув режасига 8 соатлик танлов мавзуларининг киритилгани ҳам малака оширишда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгилашилган амалга оширилаётганини билдиради. Институтда ўқув режаларини ҳудудий малака ошириш институти билан бирхиллаштириш, камиде 3—5 йилга мўлжалланган истиқболли ўқув

режаларни тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Институтда тингловчиларнинг битирув-малакавий ишларини бажаришларига тақдимот шаклининг жорий этилиши ва ҳимоя пайтида слайдлардан умумли фойдаланиб ўзи ишлаётган институт, кафедра ёки мактабдаги эришилган ютуқлар, ечимини кўтаётган муаммолар юзасидан амалий таклифларнинг берилишини ҳам соҳада ижобий ўзгаришга туртки бўладиган омиллар қаторига киритиш мумкин. Тингловчиларнинг битирув-малакавий ишини талаб даражасида тайёрлаши ва синовларга пухта тайёргарлик кўришлари учун ҳафтада бир кун «Курслардаги таълим самарадорлигини аниқлаш ва тингловчиларнинг маънавий-маърифий ва ижодий иши кун» деб эълон қилинган.
Бундан ташқари, муассасада яна

кўплаб янгиликлар жорий қилинаётир. Битирув-малакавий ишлар ҳимоясида ҳар бир тингловчининг олдинги уч йиллик фаолияти танқидий асосда таҳлил қилиниши ва дарс мавзуларининг дуч келинган мураккабликлар ечимига қараб белгиланишини ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Умуман олганда, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти жамомасининг малака ошириш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги эзгу қадамлари биз тингловчиларни мамнун этмоқда.

Юлдаш ХАЙДАРОВ,
Бухоро ВПҚТМОИ «Ижтимоий фанлар ва маънавий асослари» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент,
Мавлуда ОРИПОВА,
Бухоро ВПҚТМОИ «Ижтимоий фанлар ва маънавий асослари» кафедраси ўқитувчиси

Malaka oshirish

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган

«Наврўз» умумхалқ байрами билан

самимий муборакбод этади!

Барчага тинчлик-хотиржамлик,

бошимиз узра мусаффо осмон тиниқлигини,

жонажон Ўзбекистонимизни янада

гуллаб-яшнатиш йўлида

улкан зафарлар ёр

бўлишини тилаймиз!





ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Муҳтарам юрдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
ҳамда Халқ таълими вазирликлари тизимида меҳнат
қилаётган азиз ўқитувчи ва мураббийлар!

Барчангизни кириб келаётган, халқимизнинг азалий
қадриятлари мужассамлашган

“НАВРЎЗ” — умумхалқ байрами билан қутлаймиз!

Сизга энг эзгу тилаklarимизни йўллашдан бахтиёрмиз.



Эндигина 24 ёшга қадам кўётган, истеъдодли талаба қизининг Ибн Сино номидаги Давлат стипендияси соҳибаси бўлганлиги ҳақидаги хабар нафақат дўстларини, ота-онасиго устозларини, у тахсил олаётган Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали жамоасини ҳам беҳад қувонтирди. Боиси, доимо илмга ташна Шаҳноза қайсидир фанга доир янгиликни тоғдими барчага улашишга ҳаракат қилади. Бу билан у устозлару талабалар орасида ўзгача ҳурматга эга.

— 2005 йили Урганч туманидаги 36-умумтаълим мактабини тугатиб, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалига ҳўжатларини топширдим ва имтиҳонларга тайёргарлик кўриш учун ўқишга шундай берилиб кетдимки, ҳатто қачон тонг отганлиғи-ю, қачон тун кирганлигини ҳам сезмай қолардим. Ую хаёлим ўқиш, фақат ўқиш билан банд эди, — дейди Шаҳноза Ражабова.

Ниҳоят, уйқусиз ва беҳаловат, беором туну кунлар ўзининг ҳосилини, саодатли иноятини берди. Шаҳноза тест синовларида муваффақиятли ўтиб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Хушхабарнинг «қаноти» бор — бахтли талаба қизини биринчи бўлиб табриклаган одам қўлига илк бор ручка тутқазган муаллимаси, бошланғич синф ўқитувчиси Онабиби Солаева бўлди. Собиқ ўқувчи, аълочи ва имтизомли, тиришқоқ қизни бағрига босган муаллиманинг кўзларида севинч ёшлари айланди.

— Билардим, кўзалган мақсаднинг эришишинга ишонардим. Устозларинг ҳаммиса сен билан фахрландилар...

Бу — ўқитувчининг ўқувчиси муваффақияти билан ғурурланиши эди! Бу — ўқитувчилик машаққатининг меваси, устознинг меҳнатига берилган баҳр эди!

Шаҳноза Ражабова ўқининг дастлабки кунлариданок илмий фаолиятга қизикувчанлиги билан олий ўқув даргоҳи жамоатчилиги назарига тушди. «У ёки бу касалликнинг келиб чиқиш сабаби нимада? Номутаносибликларнинг олдини олиш учун қандай омилларга эътибор қаратилиши керак?!». Ўзини ўйлантираётган шу каби саволлар истеъдод эгасини илмий фаолиятга чорлади. Бўлғуси шифокор ғоят қисқа муддат ичида илмий адабиётлар билан ишлаш, айрим саволлар бўйича интернет тармоғидан маълумот олиш, мустакил равишда илмий изланиш олиб бориш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш кўникмаларини эгаллади. Шу жараёнда ўзини қизиқтирган қатор саволларга жавоб топди. Ҳозир у қўлга киритилган натижаларни тенгдошлари билан баҳам кўришга ҳаракат қилаётти.

— Мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг қобилиятини намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Ёшларнинг устужлари нуфузли анжуманларда олимлар томонидан эъти-

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

роф этилмоқда, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Ибодулла Қиличев. — Педиатрия факультети 7-босқич талабаси Шаҳноза Ражабова Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган Ибн Сино номидаги Давлат стипендиясининг 2011 йилги танлови ғолиби бўлганлиги ана шундай интилишлар мукофотиридир. Бу эътибор, эътироф Шаҳнозанинг тенгдошларида ҳам илм олишга бўлган рағбатини янада оширади. Бир талабанинг ютуғи яна кўлаб муваффақиятларга дебоча ёхуд пиллапоё бўлиши мумкин.

Хусусан, Шаҳнозанинг неврология йўналишида профессор Ибодулла

мияти томонидан ўтказилган XVIII илмий анжуманда «Ички касалликлар» мавзусидаги маърузаси билан қатнашиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган.

— Болалар шифокори бўлиш жуда масъулятли, машаққатли вазифадир. Бунда, аввало, она саломатлигига эътибор қаратиш даркор. Бундан ташқари, оналарнинг тиббий билим ва кўникмаларга эга бўлиши ҳам бола саломатлигини сақлашда асосий мезонлардан саналади. Шу боис қизларнинг жуда эрта, бирор касбни ёхуд хунарни эгаллашдан туриб турмушга чиқишини оқлаб бўлмайди.

Зиёли, маърифатли талабанинг

“МЕН СЕНГА ИШОНАРДИМ!”

Шаҳнозани муваффақияти билан биринчи бўлиб табриклаган биринчи ўқитувчиси Онабиби Солаева бу сўзларни ғурурла айтган эди

Қиличев ва доцент Нурмамат Худойбергано раҳбарлигида олиб борган «Темир танқислиги камқонлигида церебрал ўзгаришлар ва унда фенотропилнинг самарадорлиги» мавзусидаги илмий иши олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан юқори баҳоланиб, талабалар ўртасида ўрганилишга тавсия этилди. Талаба қиз тахсил жараёнида устозлари факультет декани Акбар Курёзов, профессор — Одилбек Оллаберганов, Некҳадан Нуралиев, доцентлар Саноб Раҳмонова, Зулхумор Жуманиёзова, Зумрад Оллаберганова ёрдамида анчагина илмий ишларни бажаришга улгурди. Шулардан тўрттаси бўйича турли анжуманларда маъруза қилди. 13та илмий мақоласи турли газета ва журналларда chop этилди.

Бундан ташқари, Шаҳноза Ражабова инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ўтказилаётган тарихботташвиқот ишларида фаол иштирок этаётти. Унинг «ОИТС профилактикаси», «Шошилич ҳолларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш», «Сил касалликларининг олдини олиш тадбирлари», «Экология ва биз» мавзуларида ўтказилган семинарларда тренералик қилиб, ҳаётий мисоллар асосида ўтказган қизиқарли сўхбатлари жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

2006 йили филиал талабалари ва ёш олимлар XIII илмий-амалий анжуманининг «Табий биологик фанлар» шўбасида муваффақиятли қатнашиб, учинчи, 2007 йили иккинчи, шунингдек, 2011 йили талабалар илмий жа-

фирлари равшан, ўйлари ойдин, ниятлари холис, мақсади аниқ! Олдинга ва фақат олдинга қараб интилиш керак. Бу унинг эътиқодида айланган.

— Фарзандни илмга йўналтиришда таълим муассасаси билан бир қаторда оиланинг ҳам катта ўрни бор, — дейди Шаҳноза. — Отам Оллаберган Ражабов — журналист. Эсимни таниганимдан бери отамнинг ҳар кун тонгда туриб қозғаш титкилашининг, кечкурун биз чаққаклашиб телевизор кўраётган бир маҳалда унинг яна қозғ қоралаш учун хонасига кириб кетганлигининг гувоҳи бўлганман. Онам — Зеваржон Мадррахимова қарийб 30 йилдан буюн ёш авлodge таълим-тарбия бериб келади. Ўзи ўқитувчи бўлганлигиданми, ўқишимизга алоҳида эътибор қаратади. Умуман олганда, оила — одоб-ахлоқ ва аънаналар, қадим қадриятлар бешиги, илм-маърифат сарҳаммасидир.

Болаларнинг соғлиғи, саломатлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўишини, шу йўлда изланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган талаба қиз «Ҳали кутаётган баҳорларим — эришишим керак бўлган натижалар олдинда», дейди. Тиришқоқ ва ўзига талабчан Шаҳноза Ражабовадаги шижоат ва интилишни кўриб, унинг келажакда етук мутахассис сифатида олий таълим муассасаси аудиториясида, лабораторияларда эгаллаган билим ва кўникмаларини илмда, амалиётда кўрсатиши — беморлар дардига дармон бўлишига ишонасиз.

Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА

ОТАДАН ИБРАТ, ОНАДАН МЕХРУ МУҲАББАТ

Бектемир туманидаги 292-мактабда «Тенгдош-тенгдошга» лойиҳаси ўз самарасини кўрсатмоқда. Бунда барча ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этаётти. Айниқса, турли тадбирларни ташкил этишда, ўқувчиларнинг ўзини туттишида бу лойиҳанинг аҳамияти катта.

— Ҳар ойда ўтказиладиган турли бадий кечалар, тадбирларда ўқувчиларнинг ўзлари бирор-бир иллатни саҳна кўриниши орқали намойиш этиб, унинг олдини олиш чоралари, бундай ҳолатга тушмаслик учун нималар қилиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилаётгани тенгдошларига ҳам таъсирилиб бўлмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сайёра Полвонова. — «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан ўтказилган «Ёшлар — соғлом турмуш тарафдори» мавзусидаги тадбирда 8-, 9-синф ўқувчилари «Гиеҳвандликнинг салбий оқибатлари», «Одам савдоси оқибатлари», «ОИТС ва ОИВ ҳақида», «Ёшлар ўртасидаги эрта никоҳнинг оқибатлари ва унинг олдини олиш» юзасидан саҳна кўриниши тайёрлаган бўлса, 6-, 7-синф ўқувчилари «Олмавий маданият» мавзусида ўқувчиларнинг телефон ва компьютердан ноўрин фойдаланишининг салбий оқибатлари, муомала маданияти, сабабсиз дарс қолдиришнинг оқибатлари тўғрисида ўз тасаввур ва имкониятлари доирасида хулоса чиқаришди.

Мактабда оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— «Ота-оналар университети» машғулотида турли мавзулар юзасидан ота-оналар, маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазаларини эшитамиз, — дейди мактаб директори Умида Нишонбекова. — Университетни кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчи Қутбиниса Аҳмедова бошқаради. Унинг бот ҳаётий ва педагогик тажрибаси ота-оналар билан тил топишида қўл келмоқда Машғулотларга 65–70 фоиз ота-оналар жалб қилинди. «Тенгдош-тенгдошга» лойиҳаси «Ота-оналар университети» фаолиятини тўлдириб ва бойитиб бормоқда. Яқинда «Диний ақида-парастлик жамият учун иллатдир» мавзусида ўтказилган машғулотда ота-оналар фаол иштирок этишди.

Мактабда «Отадан ибрат, онадан меҳру муҳаббат фарзандларга мерос бўлиб қолади» нақлига амал қилиш аънанаси қарор топган.

МУҲБИРИМИЗ

ВАТАНПАРВАРЛИК — ҚАЛЪДАГИ ИНЖА ТУЙҒУ

Ватан азиз ва муқаддас. Унинг ҳар қарч ери, боғу роглари, унган гиеҳи ҳам қадрли. Ана шу туйғуни ўсиб келаётган ёш авлод онгига синдириши, уларда ватанпарварлик хислатларини шакллантириш оилада, болалар боғчисида, мактабда, бир сўз билан айтганда, ҳамма жойда ва ҳар доим амалга ошириш керак бўлган энг муҳим вазифалар сирасига кирди.

Айниқса, кичкинтойларни турғилиб ўсган масканга, мана шу озода ва обод заминга муҳаббат руҳида тарбиялаш, киндик қони тўкилган гўша — «азиз Ватан» деган туйғунини улар онгига синдиришда мак-

табгача таълим муассасаларининг ўрни алоҳида. Бу каби ибратли ишлар нафақат Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан, балки ҳар куни ва ҳар дақиқада амалга оширилиши мумкин.

Юнусобод туманидаги 486-мактабгача таълим муассасасида ҳар оининг бир куни «Ватанпарварлик куни» деб эълон қилинган. Шу кун тарбияланувчиларнинг учун ҳақиқий байрамга айланади. Айниқса, катта ёш гуруҳи тарбияланувчилари Дилдора Мансурхўжаева билан бирга кун давомида ҳарбий либос кийиб, ҳарбий ватанпарварлик машқларини бажаришади. Улар биргаликда

она юртни мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлар ижро этишади.

— Муассасада 220 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Улар билан «Болажон» давлат дастури бўйича машғулотлар олиб борилади, — дейди боғча мудираси Тоҳира Каримова. — Ҳар бир тарбиячи янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда иш олиб боради. Биз тарбияланувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, улардаги қобилиятини рўёбга чиқаришга катта эътибор берамиз. Боладаги иқтидор ва истеъдод қанча эрта аниқланса, унинг келажакда етук шахс бўлиб воёга етишига пойдевор мус-

Maktabgacha ta'lim muassasalarida



таҳкам қўйилади. Услубчи Шаҳноза Содиқхўжаева ҳар бир тарбиячи билан алоҳида иш олиб боради. Уларнинг ўз устида ишлаши, бадий

китоблар ўқиши, болаларга бўлган муносабати таҳлил этилиб, зарур тавсиялар бериб борилади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

САМО САРҲАДЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ...

Бугун мамлакатимизнинг барча аэропортлари жаҳон андозаларига мос даражада модернизация қилинган. Замоनावий ҳаво кемалари билан таъминланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси дунёнинг кўплаб мамлакатларига парвозларни амалга оширмоқда. Шунингдек, авиакомпания Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган сўнгги авлод авиация техникасига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш марказига эга.

Бу ютуқлар замирида авиация техникасини бошқариш, уларга маликали техник ва технологик хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга мутахассис кадрларнинг ҳиссаси алоҳида, албатта. Ана шундай ёш мутахассислардан бири «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги муносабати билан кўп йиллик самарали меҳнати, фуқаро авиациясини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш борасида эришган ютуқлари учун «Шухрат» медали билан тақдирланган Дилшод Зокировдир. У «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учувчилар мажмуаси «Боинг» ҳаво кемаси командиридир.



Kasbim — faxrim

Болалигида бирор марта бўлса ҳам учувчи бўлишни орзу қилмаган киши топилмас керак. Дилшод Зокиров болаликдаги орзусига эришган бахтли инсонлардан.

— Дадам Тўлқун Зокиров олий тоифали учувчи сифатида авиация соҳасида қарийб 30 йилдан ошқ вақт хизмат қилди ва 2002 йили нафақага чиқди, — дейди у. — Демокчи бўлганим, учувчилик менга гўдаклигимдан таниш ва қадрдон касб. Дадам мени кўп бор самолётларни кўрсатишга олиб борган, рейсларга олиб чиққан. Ҳар сафар ишга кетаётганимда у кишининг орқасидан ҳавас билан қараб қоларди. Шунинг таъсирида мен ҳам, укаларим ҳам учувчи бўлишни орзу қилганмиш. Орзу қилиш, кимларгадир ҳавас қилиш осон. Аммо уни амалга ошириш, курашиш, ўз устида ишлаш, тинимсиз изланиш, сабот ва иродани талаб қилар экан. Бу шарафли касбни эгаллаш, ота касбини давом эттириш бахти оилада менга насиб қилди.

Табиийки, учувчиларга жисмоний ҳамда интеллектуал талаблар нияҳатда юқори қўйилади. Урта мактабни тугатаётганимда, аввалига ота-онам бу нияҳатга қаршиллик қилди. Боиси, дадам учувчилик касбининг оғирлиги ва масъулиятини ҳис қилган, аччиқ-чучугини татиб кўрган эди. «Рейслар давомида уйда, оиланг даврасида кўп вақт бўлолмайсан. Бундан ташқари, қийин, масъулиятли, хатога ўрин йўқ бўлган касб юкини зиммангга ола биласанми?» деб сўраган, мени синанган эди. Аммо қатъий нияҳатимни кўриб қўллаб-қувватлаган, керак пайтида маслаҳатла-

рини аямаган. Айти пайтда парвозлар ҳаётим мазмунига айланди, учувчи бўлмаганимда ким, қайси касб эгаси бўлишимни тасаввур қилолмайман.

1990 йили ҳозирги Тошкент давлат техника университетининг механика-автоматика факультетига ўқишга кирган, кейинги йилдан эса учувчиларни тайёрлаш олий мактабида таҳсилни давом эттирган Дилшод Зокиров бугунги кунда Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига, Тошкент давлат техника университети авиация факультети талабаларига ҳавас билан қарайди, у таълим олган пайтдаги ҳароат ва имкониятларни бугунгисига билан солиштиради. Шунингдек, малака ошириш соҳасидаги англишларни эътироф этади. Боиси, бугунги кунда иктисодиётнинг ҳар бир соҳасига малакали мутахассисларни етказиш бериш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, мунтазам малака ошириш тизими яратилганлигининг натижасини Дилшод Зокиров фаолияти мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

«Ерда 5га билсанг, самовда 3 баҳога лойиксан» деган ақидага амал қилган ҳаётимизнинг тажриба-синов майдонларида ўзини тоблади, ақлини чарқлади. 1994 йилнинг ноябрь ойида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг ЯК-40 русумли самолётида иккинчи учувчи лавозимида фаолият бошлаган ёш мутахассис 1998 йили Буюк Британиянинг Манчестер шаҳрида икки ой давомида малака ошириб, махсус фанларни ўқиб, имтиҳон ва синовлар асосида RJ-85 русумли ҳаво лайнерини бошқара бошла-

ди. 2004 йилда «Боинг» русумли самолётга яна малака ошириш асосида ўтган бўлса, 2006 йилдан кема командири лавозимига тайинланди.

— Авиация техникасининг ривожланиб кетаётганлиги тинимсиз ўрганиш, изланишни талаб қилмоқда, — дейди учувчи. — Биринчи бор ишга келган кунимиздан бошлаб, иккинчи учувчи сифатида кема командиридан сабоқ олдик. Фаолиятимиз жараёнида биздан ёши катта ҳар бир тажрибали мутахассис касбнинг сирасорини ўргатди, йўл-йўриқ кўрсатди. Зарҳўжа Саидазимов, Борись Никитин, Мўмин Расулов каби устоз мураббийлардан кўп нарсани ўргандим. Бугун эришган муваффақиятларимда уларнинг ҳиссасини ҳисобга каттайдир.

Авиация соҳасида тилларни ўрганиш яна ҳам муҳим. Чунки замонавий аэролайнерлар чет элларда ишлаб чиқарилади, йўриқнома-лар ҳам чет тилида бўлади. Шунингдек, диспетчерлар билан мулоқот олиб боришимиз учун халқаро тил — инглиз тилини билиш талаб этилади. Мен инглиз ва рус тилларини яхши биламан. Қайси давлатда бўлмайлик, у ердаги саломлашув ва хайрлашув сўзларини ёдлаб қоламан. Айтилик, ўтган ҳафта Истанбулга учган бўлсак, бугун кечкурун Римга кетишимиз керак. Демак, халқаро рейсларда ҳаракатланарканмиз, тил билишга мажбуримиз.

Парвозларнинг хавфсизлиги учун кўриладиган чора-

ширивдан ўтказилиши, ҳаво кемалари доимий техник назоратда туришини таъкидлади. Бу ишларнинг барчаси энг аввало, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи муҳим омиллардир. Дарҳақиқат, кишиларнинг манзилларига эсон-омон етказиб қўйиш «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг биринчи галдаги вазифасидир.

Ҳар бир касбнинг ҳам икки-чиқирлари, ўзига хос қийинчиликлари бўлади. Само сарҳадларида 7000 соатдан кўпроқ парвозни амалга оширган қаҳрамонимиз, учувчилик касбининг завқли томонларини тилга олади. Муҳими, у танлаган соҳасидан фахрланади, мароқли парвозлар давомида ўзини бахтли сезади. Ҳатто дўсту биродарлари, кўни-кўшнлар ҳам фарзандларимиз сенга ўхшасин, деб ҳавас қилган пайтлари эса ўз танлаган касбидан фахрланади. Олдига маслаҳат сўраб келган ёш ҳаваскорлардан маслаҳатларини аямайди, йўл-йўриқ кўрсатишга вақт топа олади.

— Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳаво кемаларидаги қатновларнинг хавфсизлиги, барқарорлиги, қулайлигини таъминлаш, йўловчилар ва авиация техникасига юқори сифатли хизмат кўрсатиш асосий вазифамиздир, — дейди Дилшод Зокиров. — Мана шу вазифани сидқидилдан, масъулият билан бажариб, авиакомпаниямизнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини намойиш этиб, йўловчиларнинг, мижозларнинг ишончини

қозондик. Бу жараёндаги озгина ҳиссам эса ҳукумати-миз томонидан юксак баҳо-ланиб, «Шухрат» медали билан тақдирландим. Эришган ютуқларим, амалга оширган барча муваффақият-ли парвозларим замири-да аввало, юртимизда авиация мутахассисларини тайёрлашга қаратилаётган эътибор, тинимсиз илм олишимиз, ўқиб-ўрганишимиз, тажриба оширишимиз учун яратилган шарт-шароит, авиакомпаниямиздаги амалиётчи устозларнинг билими, меҳри эътибди. Энг сўнгги русумдаги ҳаво лайнерларининг келтирилиши, аэропортларимизнинг реконструкция қилиниши йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг такомиллаштиришга хизмат қилмоқда, янги йўналишлар очилиб, ташув ҳажми ортмоқда.

Халқаро тоифадаги учувчи билан суҳбатлашаркансиз, Ватан соғинчи, юрт меҳри ҳар нарсдан улуғлигини ҳис қиласиз.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлдим, кўплаб шаҳарларни томоша қилдим, бошқа халқларнинг ўзига хосликларини кузатдим, аммо Ўзбекистонга бўйлашадиганини кўрмадим. Кимлардир чет элларда яшашни ният қилишади. Аммо мен у-ун ўзга мамлакатлардан кўра юртимиз мафтункор, гўзал ва нузли. Шу боис ҳар гал темир қанотларда парвоз қилиб заминимизга қўнарканман, дилимда шукроналик, хурсандчилик, соғинч ҳиссини сезаман, юртимнинг тафтини ҳис қиламан. Хорижлик меҳмонларнинг дил сўзларида ҳам Ўзбекистоннинг бетакрорлиги бот-бот тилга олинади. Бу эса кўнгилни янада фаҳру ифтихорга тўлдирди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири


Бугун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти олдида турган долзарб масалалардан бири вирусларга қарши самарали дори воситаларни ишлаб чиқиш асосида турли касалликларни енгиш ҳисобланади. Лекин сўнгги йилларда дори воситаларига нисбатан микробларда чидамлилиқ ошаётгани кузатилиб, мазкур ҳолат соҳа мутахассисларини чуқур хавотирга солмоқда.

Ушбу масала ўтган йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Микробларга қарши воситаларга чидамлилиқ ҳолати» мавзусидаги ҳисоботда ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Умуман, ушбу муаммо кеча пайдо бўлган эмас, лекин у борган сайин жиддийлашаётгани таъкидланган.

лардаги даво таъсирини ҳам камайтираётган экан.

Бугунги кунда чидамлилиги ўта даражада ривожланмаётган хавфли касалликларнинг кўзгатувчилари рўйхати пневмония, менингит, сўзак (гонорея), безгак (малярия), сил ва ОИТС ҳамда тери, ўпка ва қон томирлари инфекцияларини киритиш мумкин.

Шу ўринда вазият жиддийлигини далилловчи баъзи рақам ва ҳолатларга эътибор қаратсак. «Мэдиқал Экспресс» («Medical Express») манбасида келтирилишича, ҳар йили ўртача 440 мингта дорида чидамлилиқ кузатиладиган сил хастали-



БАКТЕРИЯЛАР АНТИБИОТИКЛАРГА ҚАРШИ

Sharh



Маълумки, бугун мавжуд микробларга қарши дори воситалари микроорганизмлар — бактерия, замбуруғ, паразит ва вируслар томонидан кўзгатиладиган инфекцияларни даволашда қўлланилади. Уларнинг ишлаб чиқарилиши соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим муваффақиятлардан ҳисобланади. Айнан шу туфайли сўнгги 70 йил мобайнида кўплаб касалликлардан азият чекаётганлар дарди енгилашган, миллионлаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди.

Аммо бугунги муаммонинг юзга келиш эҳтимоли ҳақида олимлар илк антибиотик — пенициллин кашф этилган пайтдаёқ оғохлантиришгани кўпчиликнинг ёдида бўлмас керак. Буни 1940 йилларда антибиотиклар оммавий равишда қўлланиладиган Европа ва Шимолӣ Америка мамлакатларида мазкур воситаларнинг шифокор тавсиясиз сатувга чиқарилиши таъкидланганида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш зарурки, бу таъқ ҳалигача АҚШда мавжуд. «Science» («Илмфан») илмий журналида берилган мақолада баён этилишича, ўтган асрнинг 50-йилларда антибиотикларга қарши чидамлилиқнинг илк ҳолатлари кузатила бошланган. Уша пайтда салкам бутун дунё шифохона ва туғуруқхоналарида стафилококк бактериясининг антибиотикларга чидамлилиги ҳолати оммавий равишда кузатилаган.

Микробларга қарши воситаларга чидамлилиқ ҳолати (қисқача дориларга чидамлилиқ деб ҳам аталади) инфекцияларнинг уларга нисбатан қўлланиладиган дориларни самарасиз «қилиб қўйиши» ҳисобланади. Айнан бу асосий муаммодир, чунки чидамли инфекция инсон ҳаётига хавф солиши, бошқа кўплаб одамларга осонлик билан юқиб, ҳам алоҳида шахслар, ҳам бутун бошли жамиятга улкан зарар келтириши ҳеч гап эмас. Дунё ҳамжамияти дуч келган жиддий муаммолардан яна бири бу сил хасталигини кўзгатувчиларининг кўплаб дориларга чидамлилиги ҳисобланади.

Хозирги кунда бутун дунёда микробга қарши воситалар кенг қўламда ишлаб чиқарилиб, қўлланилмоқда. Лекин қанчалик кўп антибиотик ишлаб чиқарилса, уларнинг самардорлигини белгилашдаги мураккабликлар ҳам шунча ортмоқда. Негаки, даволашда дори воситаларидан оқилона ва индивидуал кўрсатмалар асосида фойдалангандагина ижобий натижага эришиш мумкин. Акс ҳолда, муолажа самараси кескин тушиб, салбий таъсирлар кўпаяди. Амалӣёт шуну кўрсатадики, аксарият ҳолларда беморларнинг ўзлари ҳарорат ошганида, «шамоллаш», «грипп» кузатилганида ўзбошимчалик билан «ҳар эҳтиломга қарши», деган фикрда ёки профилактика мақсадида антибиотикларни қабул қилиши бошлайди. Бунда кўпинча антибактериал дори воситалари оддий вирус инфекциялари, ҳаттоки, оддий шамоллаш пайтида ҳам қабул қилинаверади. Вирус инфекциялари кузатилганда бу воситалар самара бермайди, аксинча беморда аллергия пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Шифокор маслаҳатсиз антибиотик дори воситаларини қабул қилиш соғлиқ учун зарарлидир. Даволаш курсининг узайиб кетиши беморда аллергиянинг осонлик билан кўзгалишига, организмнинг заҳарланишига, ич кетиши ва касаллик кўзгатувчиларининг ўта чидамли намуналари ҳосил бўлишига олиб келади. Муолажани зарур даражада олиб бормаслик нафақат самарасиз, балки кўпинча хасталиқнинг қайталанишига ва ўта чидамли турдаги кўзгатувчиларнинг вужудга келишига туртки бўлиши ҳам мумкин. Микробга қарши воситаларни қўллашда меъёрга амал қилмаслик кўзгатувчиларнинг дориларга чидамлилигини оширади, бу эса ўз навбатида, ўта чидамли микроб штамм(намуна)ларининг пайдо бўлишига замин яратди. Мутахассислар сўзларига кўра, бу ҳолат дори воситаларининг бошқа бемор-

ли ҳолати қайд этилиб, уларнинг камида 150тасида беморлар ҳаётдан кўз юмар экан. Қолаверса, бугун 64та мамлакатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари томонидан сил кўзгатувчиларининг дори воситаларига кенг қамровли чидамлилиқ ҳолати қайд этилган.

Хлорохин ва сульфадоксин-пириметамин дори воситасининг аввалги авлодига чидамлилиқ ушбу хасталик кенг тарқалган мамлакатларда кўп кузатилади. Инфекциялар аниқланган пайтда муолажа бошлангандан сўнг ҳам бактерияларни организмдан чиқариб ташлаш нисбатан секин кечиб, бу эса ўз навбатида, дориларга чидамлилиқ шаклланганидан дарак беради.

Айни кунда ҳаттоки шифохоналар ичида ҳам инфекцияларнинг тарқалишига метициллин антибиотигига чидамли Staphylococcus aureus (MRSA) ва ван-расиз, балки кўпинча хасталиқнинг қайталанишига ва ўта чидамли турдаги кўзгатувчиларда антиретровирус дорилардан фойдаланиш кенгайгани сари ОИВ инфекциясида ҳам даволаш воситаларига қарши чидамлилиқ ошиб бораётгани қайд этилмоқда.

Қолаверса, бугун Shigella туридаги микроорганизмлар томонидан кўзгатиладиган қон билан ич кетиш хасталиги (шигеллез)га қарши курашишда Жаҳон соғлиқни сақлаш таш-

килоти томонидан ягона антибиотик — ципрофлоксатин тавсия этилади. Чунки ўндан аввал ишлаб чиқилган самарали антибиотикларга нисбатан бактерияларда алақачон чидамлилиқ шаклланиб ҳам бўлган. Айни пайтда ципрофлоксатинга ҳам чидамлилиқ ривожланиб, тез тарқалаётгани боис болаларда шигеллез кузатилганда хасталиқни хавфсиз ва самарали даволаш йўлини танлаш имкони ҳам чеклиниб бораётгандай гўё. Сабаби, бунда ҳалдори сифатида қабул қилишга мақбул янги турдаги антибиотикларни ишлаб чиқиш талаби кучаймоқда.

Микробларга қарши воситаларга чидамлилиқ Neisseria gonorrhoeae бактериялари кўзгатадиган сўзак (гонорея) хасталигини даволашда ҳам анча жиддий ва кенг тарқалиб бораётган муаммо тусини олмоқда. Бунда ҳаттоки энг сўнгги цефалоспорин туридаги ҳалдори антибиотикларининг ҳам самараси қутилгандай бўлмаётти.

Океанортида қўлланиладиган антибиотикларнинг салкам ярмидан қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилади. Аникроги, улар чорва моллари емига қўшилиди. Баъзи антибиотиклар ҳайвонлардаги инфекцияларни йўқотиш мақсадида фойдаланилади. Аммо дорилар сари деярли 90 фоизи асосан турли касалликлар профилактикаси, шунингдек, паррандалар ва йирки уй ҳайвонларини ҳажман катталаштириш учун хизмат қилади. Чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида антибиотикларнинг бу даражада кенг қўлланилиши инсонларда кузатиладиган инфекцияларнинг

дориларга чидамлилигига бевосита боғлиқ экани амалда исботланган. Мисол учун, «New England Journal of Medicine» илмий нашрининг 2001 йил октябрь сонида мамлакат пойтахти Вашингтон озик-овқат дўконларида сотиладиган гўшт сифатини ўрганишга бағишланган мақола чоп этилди. Унда таъкидланишича, изланиш натижалари сотиладиган гўшт маҳсулотларининг 20 фоизиди салмонеллез инфекциялари борлигини кўрсатди. Уларнинг 84 фоизи ҳеч бўлмаганда бир, 53 фоизи — икки-уч, 27 фоизи эса — олтидан ортиқ турдаги антибиотикларга чидамли экани вазият чиндан ҳам жиддийлигидан далолат беради. Мақолада келтирилишича, мамлакатда ҳар йили 1,4 миллион инсон салмонеллез (ўткир ичак касаллиги) билан хасталаниб, уларнинг 600га яқини ҳаётдан кўз юмар экан.

Европа тадқиқотлар маркази тадқиқотчиларининг таъкидлашича, микробларда дори воситаларига чидамлилиқ шаклланиши ҳолати зарари шундан иборатки, бунда аввал кўплаб муолажаларда ўз самарасини берган дорилар маълум муддатдан сўнг ўзининг даволаш хусусиятини йўқотди. Шу боис мутахассислар тобора кучайиб бораётган микробларга қарши воситаларга чидамлилиқни бартараф этиш мақсадини ҳал этишда глобал миқёсдаги чоралар амалга оширилиши зарурлигини таъкидлашмоқда.

Айтиш керакки, ҳозирда самарали антибиотикларни яратиш юзасидан амалӣ саъй-ҳаракатлар алақачон бошлаб юборилган ва қутилган натижаларга ҳам эришилмоқда. Хусусан, 2006 йили океанортидаги Тафтс университети Тиббиёт маркази тадқиқотчилари ўзига хос геннинг кашф этилгани ҳақида маълум қилишди. Ушбу ген бактерияларнинг антибиотикларга чидамлилигини сусайтириш хусусиятига эга экан. Аммо бу ҳозирги назарни, ҳолос.

Шу боис соҳа мутахассислари айни пайтда мавжуд муаммо зарарини куйидаги оддий қоидаларга амал қилиш орқали камайтириши тавсия этилмоқда:

1. Микробга қарши воситаларни фақат шифокор тавсияси билан қабул қилиш.
2. Дори воситаларини қабул қилишда аниқ меъёрга амал қилиш.
3. Шифокор томонидан белгиланган даволаш курсини муддатидан олдин якуламаслик зарур.

Наргиза ИБРОҲИМОВА, «Ma'rifat» мухбири

ЯНГИ АВЛОД ПЛАНШЕТИ ТАКДИМ ЭТИЛДИ

«Эппл» («Apple») компанияси томонидан океанортидаги Сан-Франциско шаҳрида янги авлод планшет компьютери такдим этилди. Учинчи авлод ай-пэди аввалгисидан процессори, янги «Ретина» экрани билан фарқ қилади, дейилади «Apple» манбасида.



Қолаверса, планшетнинг орқа панелига 5 мегапикселли камера ҳам ўрнатилган. Янги ай-пэд мобил тармоғига уланганида яна бешта бу каби ускунага интернет «улашиш» имконига эга. Планшетнинг бир марталик қувват билан ишлаш вақти 10 соат. Шунингдек, у аввалгисидан nisbatan қалинроқ (9,4 миллиметр) ва оғирроқ (635 грамм) экан. Планшет 32 ва 64 гигабайт хотира дискига, Wi-Fi ва 3G хизматига эга. Ускуна АКШ ва олти мамлакатда шу йил 16 мартдан сотувга чиқарилади.

ТАБИАТГА ИМКОН КЕРАК ХОЛОС!

Огайо штати университети олимлари ноодатий тадқиқот ўтказишди: улар 1994 йили иккита ботқоқликни ҳосил қилиб, уларни ўз ҳолича ташлаб қўйишган. Шунча вақт ўтгач, атроф-муҳит ва табиий ресурслар муҳофазаси билан шуғулланидиган тадқиқотчи Билл Митч раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар назорат қандай эканини ўрганиб, қутулмаган ҳолатга дуч келишди. Мавзуга оид мақола «Биосайнс» («BioScience») нашрида chop этилди.

Битта ботқоқликда 13та энг оддий ўсимликлар экиланган, иккинчиси эса ўз ҳолича қолдирилган. Уларга мунтазам равишда яқин атрофдаги дарёдан сув қуйилиб турган. Эътиборлиси, бугунга келиб уларнинг ҳар иккаласидаги ўсимликларнинг тури деярли бир. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ўсимликлар сони аввалгига nisbatan 100 баробар кўпроқ экан.

Таъкидланишича, 2000-2001 йилларда қиш фаслида кемирувчилар бу ерда ўсаётган лух ўсимлигини еб ташлашган, лекин ҳеч қанча вақт ўтмай унинг ўрнига қамиш ўсиб чиқиб, ҳудудни тўлдириб қўйган. Ҳар икки ботқоқ атрофида дарахлар ўсиб чиқиб, қузатувлар бу ҳудуд келгусида ботқоқлик ўрмонига айланишини кўрсатяпти. Лекин тажрибадан қўзланган асосий мақсад бу эмас. Мухими, мазкур ҳолат бундай ҳудудларнинг ривожланиши табиий келиши зарурлигини ва бунда дастлабки ҳолат катта аҳамият касб этмай, аксинча одамлар бунга имкон яратиши кераклигини кўрсатди.

ОШ ТУЗИ ЗАРАРИ ЧЕКИШ БИЛАН БАРОБАР

Халқаро олимлар гуруҳи ош тузини ортиқча истеъмол қилишнинг юрак-қон томirlарига таъсирини кенг қамровли тадқиқотда ўрганишди. Яқунда натрий моддасини (яъни, тузни) кўп истеъмол қилиш туфайли стенокардия (юрак мушакларининг сиқилиши)нинг ривожланиши хавфи чекиш оқибатида юзага келадиган зарар билан тенглашиши белгиланди. «Сайнс» («Science») журналида мавзуга оид мақола берилди.

Олимлар тадқиқотга 50 ёшдан катта бўлган 143 нафар эркак эгизакни жалб этишган. Уиллет номли сўронома ёрдамида охириги 12 ой давомида иштирокчилар таомномасидаги натрий микдори аниқланди. Сўнгра ҳар бир эгизак жуфтлигидан бир қатнашичи таомига кўпроқ натрий қўшилган.

Яқунда туз юрак томirlарининг чидамлилигини тушириб, юракнинг ўзгарувчан юкларига мослашиши хусусиятини сусайтиришни аниқланди. Кунига бир грамм ҳам натрий кўпайса, юракнинг мослашиш кўрсаткичи камида 10 фоизга тушиши маълум бўлди. Олимларнинг сўзларига кўра, чекувчиларнинг юрак томirlари ҳам худди шунақа зарар кўради.

Бундан келиб чиққан ҳолда мутахассислар белгиланган мейёр — кунига 2,3 грамм (50 ёшдан катта ёки қанд касаллиги, юрак-қон томirlари ва буйрак хасталиклари бўлганлар — 1,5 грамм) туз истеъмол қилиш зарурлигини ўқтиришмоқда.



ТАСВИРДА: ОЙГА ПАРВОЗ ИЗЛАРИ

Океанортидан космосга чиқарилган «Lunar Reconnaissance Orbiter» самовий зонди ўтган асрда Ойга парвоз қилган «Аполлон-12» аппаратининг қўниш жойидаги изларни тасвирга олишга муваффақ бўлди. НАСА расмий сайти (nasa.state.gov)да йирик кўламда олинган ушбу суратни томоша қилиш мумкин.

Бу океанортилик астронавтларнинг Ойга парвозини акс эттирувчи энг янги суратдир. Расмда қўниш жойи ва Ой юзасига қўйилган буюмлар изи аниқ кўринади. Бундан ташқари, тасвирда Ойга 1967 йили етиб келган «Сервейвер 3» номли самовий аппарат ҳам бор. Айтиш зарурки, мазкур дастурдан қўзланган мақсад Ой юзасини ўрганиш ва Ер табиий йўлдошида синов парвозини амалга оширишдан иборат эди. Лойиҳа доирасида жами 7та аппарат Ойга учирилган.



«Аполлон-12» самовий зонди миссияси 1969 йилнинг 14—24 ноябрь кунлари мобайнида амалга оширилган. Аппаратнинг қўниш модули Ойдаги Буронлар океани ҳудудига пастлаган. Океанортилик астронавтлар қатор ишлар орасида яна «Сервейвер 3» аппаратига бориб, унинг бир қанча қисмларини ечиб олишган ва ўзлари билан Ерга олиб қайтишган.

ТАҚИҚ САМАРАСИ

Шотландиялик олимлар ўтказган изланиш жамоат жойларида чекишни тақиқлаш чақалоқларнинг муддатидан аввал туғилиши ҳолатининг олдини олишини кўрсатди. Глазго университети олимларининг бу ҳақидаги мақоласи «Плос Мэдисин» («PLoS Medicine») журналида берилди.

Мамлакатда жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун 2006 йилнинг март ойидан қучга кирган. Тадқиқотга 1995—2009 йиллар ораллигида фарзандли бўлган 717 мингга яқин аёл жалб этилган. Яқуний натижаларга кўра чекиш тақиқлангандан сўнг илтирозчилар орасида тамаки маҳсулотини истеъмол қиладиганлар 25,4 фоиздан 18,8 фоизга камайгани маълум бўлди. Шунингдек, мамлакатда муддатидан аввал туғиш ҳолатлари ҳам 11 фоизга камайгани аниқланди. Қолаверса, бунинг натижасида ўта енгил вазндаги болаларнинг туғилиши 8 фоизга камайгани эътиборлидир.

Тадқиқот раҳбари Жил Пеллинг сўзларига кўра, бу статистикадаги ижобий ўзгаришлар нафақат тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчи аёллар, балки умуман чекмайдиганлар орасида ҳам қузатилган. Мутахассиснинг таъкидлашича, изланиш натижалари тамаки маҳсулотига қарши сиёсатнинг нақадар оқилона эканини кўрсатади.

ҲАРОРАТНИ ТУШИРИШ — АКС ТАЪСИРДАН САҚЛАЙДИ

Инсулт (бош миёга қон қуйилиши) содир бўлганидан сўнг миё ҳароратини бироз (34 даража)га тушириш хасталик оқибатлари ҳисобланган шомоллашнинг олдини олиб, касалликка қарши дорилар акс таъсирини камайтиради экан. Германиянинг Эрланген университети олимлари ўтказган тажриба шуни кўрсатди, дейилади «ФизОрг» манбасида.



Инсулт кўп ҳолларда кишининг асосий томirlаридан бирида қон ивиб қолиши туфайли юзага келади, натижада миёнинг бир қисмига кислород етиб бормайди ва бу ердаги нейронлар тез нобуд бўла бошлайди. Касалликнинг олдини олиш учун тўқима плазминоген активатори (кимёвий реакцияни, фермент фаоллигини оширувчи модда)дан фойдаланилади. Айнан бу фермент қон ивиши олдини олади ва ҳосил бўлган қон қуйқаларини таркатади. Таъкидланишича, плазминоген активатори инсулт қузатилганидан сўнг дастлабки 5 соат ичида киритилса, катта самара беради. Аммо бу оксилнинг акс таъсирлари ҳам йўқ эмас экан: қон айланишини тиклаш касаллик зарарлаган миё қисмида ишлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Германиялик олимлар тадқиқоти эса дорини қўллаш билан бирга, миёни бироз совутиш орқали одамнинг тезроқ ўзига келиши ва дорининг акс таъсирлари қузатилмаслигига эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Япониядаги зилзила ва цунами содир бўлганига бир йил тўлган сана — 11 март куни Германияда сиёсатчилар, касабаяушмалари ходимлари ва экологлар томонидан атом энергетикасидан воз кечиш, муқобил турдаги қувват манбаларидан фойдаланишни таллаб этиб, намойишлар ўтказилди.

Бангладешдаги Менга дарёсида тахминан 200 нафар йўловчи ва нефть ортилган иккита кеманинг тўқнашиб, чўкиб кетиши оқибатида 150 нафар одам бедарак йўқолган.

Хитой тараққиёт банки БРИКС — Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва ЖАР давлатларига кредит маблағларини юанда бериши ҳамда бу борада томонлар келишуви жорий йилнинг 29 мартда имзоланишини маълум қилди.

Италия ҳуқук-тартибот органлари Римда 1971 йили ўғирланган ва ҳозирча қиймати 7,5 миллион доллар дея баҳоланаётган 37та суратни (уларнинг бир нечтаси Ван Дейк ва Рубенс каби машҳур rassomлар қаламига мансуб) топишга муваффақ бўлди.

Миср Гиза пирамидаларидан атиги бир неча километр узоқликда 120 мингта тарихий экспонатларни жамлайдиган ва қурилиши 2015 йилда якунланиши кўзда тутилаётган Буюк Миср музейини барпо этишнинг яқиний бошқиб ишлари бошланди.

1996 йилда Юнусобод туманидаги 258-мактаб томонидан Султонова Дурдана Шавкатовна номига берилган № 014906 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БИР ТУП ДАРАХТ ҶИКМАТИ Tabiat va inson

Экологик хавфсизлик бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Зеро, инсон ва табиат ўртасидаги азалий муносабат замирида кўпчиликка маълум бўлган-бўлмаган қонуниятлар бор. Бу қонуниятларни бузиш эса тузатиб бўлмас экологик фалокатга олиб келади. Бунга Орол денгизининг бугунги аҳолини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Уйламай қилинган нотўғри хатти-ҳаракатлар оқибатида денгиз қуриди, атроф-муҳит жуда катта талафот кўрди.

Бу каби экологик муаммоларнинг янада авж олиб кетмаслиги учун нима қилиш керак?

Ўзбек хонадонларида фарзанд дунёга келса, отаси яхши ниёда дарахт экади. Қаранг, бу ахир мўъжиза-ку! Бу дарахт келажакда атроф-муҳитга – элга қони фойда. Жазирамада кимдир унинг соясида ором олса, эҳсан одамнинг шаънига раҳмат ёғилади. Мевали дарахт бўлса, ундан қанчадан қанча одам баҳраманд бўлади. Фарзандга ақлини таний бошлаганидан она-табиатга меҳр қўйиш, уни асраб-авайлаш, тирик жониворларга ғам-хўрлик кўрсатиш қадим-қадимдан

қадрланган. Бобонинг тарбиясини олган бола боладир, олмагани эса бошга балодир, деганларидек, боболаримиз набираларини етаклаб, ҳар бир табиат мўъжизасидан хайратланишни, таъсирланишни ва булардан қандай оқилона фойдаланиш кераклигини ўргатиб боришса, шахсий намуна кўрсатишса, шунинг ўзи катта тарбия мактабидир.

Оилада берилган тарбия боғчада, мактабда, коллеж, лицей ва олий таълим даргоҳларида бойитиб борилади. Атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш, табиат эҳсонларидан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Мустақил Ўзбе-

кисдонимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қонун ва қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган. Экологик муаммоларни бартараф этиш масаласи билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ана шу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида иш олиб боришмоқда.

Яқин йилларда ҳазонбарлар бир жойга йиғилиб ёқиб юборилар, бундан атроф-муҳит зарарланиб, аҳоли саломатлигига ҳам жиддий хавф туғиларди. Бу фақат шаҳарларда эмас, ҳаттоки вилоятларда ҳам такрорланар эди. Ҳазон ёқилган жойда қайта ўсимлик ўсмаслиги тадқиқотларда аниқланган. Табиатга ва атроф-муҳитга зарар келтираётган кишилар билишмайдики, ернинг унумдорлик қатлами 15 йил давомида шаклланади. Инсон эса

уни бир неча соатдаёқ яроқсиз ҳолатга келтириб қўйиши мумкин. Келажакда шундай ҳоллар такрорланмаслиги учун ёшлар ва кенг аҳоли ўртасида экологик таълим ҳамда тарғиботни янада кучайтириш керак.

Мана, юртимизга кўклам кириб келди. Табиат чирой очмоқда. Аслида борлиқнинг гуллаб-яшнаши табиий жараён бўлса-да, унга зеб бериш янада файзли қилиш, тароват бағишлаш инсоннинг меҳнати билан юзага чиқади. Шундай экан, бахорий кайфият билан кўкламни қарши олиб, гулу дарахт экайлик, чиқиндиларсиз ҳаёт сари одимлайлик. Ҳар бир кўча, маҳалла экологик мусаффо худудга айлансин.

Х.ЖУМАЕВА,
ЎзДЖТУ тадқиқотчиси,
Шоҳруҳ ХОТАМОВ,
ТВДПИ талабаси

ҚАЙТА НАШР БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 3- MRT -2012.

Тендер номи: Дарслик ва ўқув қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳар, 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш учун наشريётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик боқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой мuddатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган

шартномалар бўйича мажбуриятларни тўла бажара олган наشريётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда уларнинг адади куйидаги жадвалда берилган:

Лот рақами	Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар номи	Таълим тили	Ўзуви	Адади
1-синф				
1.	Алифбе	қорақалпоқ	лотин	9 979
2.	Алифбе	қозоқ	кирилл	6 752
3	Она тили (Эне тили)	қирғиз	кирилл	976
4	Она тили (Ene dili)	туркман	лотин	874
5	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қорақалпоқ	лотин	9 979
6	Ўқиш китоби (Oqu kitabi)	қозоқ	кирилл	6 752
7	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	туркман	лотин	874
8	Математика	ўзбек	лотин	423 970
		рус	кирилл	54 471
		қорақалпоқ	лотин	9 979
		қозоқ	кирилл	6 752
		тожик	кирилл	8 208
9	Математика дафтари	қирғиз	кирилл	976
		туркман	лотин	874
		ўзбек	лотин	423 970
		рус	кирилл	54 471
		қорақалпоқ	лотин	9 979
		қозоқ	кирилл	6 752
		тожик	кирилл	8 208
3-синф				
12	Книга для чтения	рус	кирилл	50 337
13	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қорақалпоқ	лотин	9 749
14	Ўқиш китоби (Oqu kitabi)	қозоқ	кирилл	6 244
15	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	тожик	кирилл	8 087
16	Ўқиш китоби (Okuw kitebi)	қирғиз	кирилл	862
17	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	туркман	лотин	889
18	Ўзбек тили	Рус ва қардош тиллар	лотин	76 168

Мазкур дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг бошланғич қўймати тўғрисидаги маълумотлар талабгорларга Тендер ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус №20203000100101044002 (АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО:00423, СТИР 201122808) ҳисоб рақамига 3 000 000 (уч миллион) сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини бил-

дирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган қорхона ва ташкилотлар 2012 йил 14 мартдан бошлаб ҳар куни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимида (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг икки фоизидан кам бўлмаган зақалат суммаси билан бирга 2012 йилнинг 28 март куни соат 14:00

га қадар Республика таълим марказига топширилиши шарт. Шу вақтдан кенчикан таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифлари 2012 йил 28 март куни соат 15:00 да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй.) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг 1 боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишнинг охириги мuddатини узайтириши мумкин. Шундай ҳолатда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган мuddатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

«УМИД НИХОЛЛАРИ»ДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Мақтабимизда жисмоний тарбия дарсларининг самарали ташкил этилиши учун намунали шарт-шароитлар яратилган. Бу ўқувчиларнинг спорт тўғрисидаги қатнашиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишида ҳам қўл келмоқда.

Хар 3 йилда бир марта ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасига 2012 йил Навоий вилояти мезбонлик қилиши муносабати билан мактаб ҳамда туман ёшлари қизгин тайёргарлик куришмоқда. Жумладан, Учкудук туманидаги 20-мактаб ўқувчилари ҳам ўз тайёргарлик машғулотларини бошлаб юборишган. Мақтабимизда бадий гимнастика, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат-шашка

каби 11та спорт тури бўйича тўғрақлар мавжуд бўлиб, уларда 686 нафар ўқувчи мунтазам шуғулланади. Бунда жисмоний тарбия фани ўқитувчилари З.Рузикулова, Ш.Эргашева, М.Уралова, Р.Илёсованинг ҳам хизмати катта.

Шу билан биргаликда, ўқувчиларимиз туман ҳамда вилоятларда ўтказиладиган спорт мусобақаларида қатнашиб, уларда фахрли ўринларни эгаллаб мактабимиз шаънини ҳимоя қилиб

келишмоқда. Шундай спортсевар ёшларимиздан 9-синф ўқувчилари Ш.Нормуродов, Б.Махмудов, Ш.Шарипов, 8-синф ўқувчилари А.Аҳадов, Р.Шодмонов, С.Раҳматовни алоҳида санаб ўтиш лозим. Ҳозир ўқувчиларимиз «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг навбатдаги босқичига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Республика миқёсидаги бу мусобақада ўқувчиларимизга омад қилиб боқишига ишонамиз.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
Учкудук туманидаги
20-умумтаълим мактаби
жисмоний тарбия фани
ўқитувчиси



ТАРИХИЙ ГАЛАБА

Францияда ўтказилган «Париж-Ницца» кўпкунлик пойгаларининг якуний босқичида «Sky» жамоаси вакили британиялик Брэдли Уиггинс зафар кучди.



Шуни ҳам эътироф этиш кераки, 1967 йилдан буён бирорта ҳам британиялик велопоёғачи мазкур нуфузли мусобақада галаба қозонмаганди.

Турнирнинг сўнгги босқичида Б.Уиггинс 9,6 километрлик масофани 19 дақиқаю 12 сонияда босиб ўтди. Марра чизигига иккинчи бўлиб етиб

келган голландиялик Люве Вестра (Vacansoleil-DCM жамоаси) қўлиб спортчида атиги 2 сонияга ортда қолган. Учинчи ўринни франциялик Жан-Кристоф Перо (Ag2R La Mondiale) эгаллади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Жаҳон теннисчилари рейтингда биринчи ўринда турган белоруслик теннисчи Викторица Азаренко Американинг Индиан-Уэллс шаҳрида ўтказилган WTA (Халқаро аёл теннисчилар ассоциацияси) таснифидаги турнирнинг 1/8 финалида россиялик теннисчи Светлана Кузнецова устидан 6:2, 6:1 ҳисобида устунликка эришди. Бу ҳақида WTA расмий сайти хабар берди.

Энди Азаренко чорак финал учрашувида олмон теннисчиси Юлия Герпес билан қорға тушади.

Турнирнинг бошқа нимчорак финал баҳсида яна бир россиялик теннисчи Вера Звонарева ҳамда чехиялик Клара Закапалова ўзаро куч синатиши керак эди. Бирок учрашув олдидан В.Звонареванинг тоби қўнган босиб, К.Закапалова курашсиз ярим финал босқичига чиқди. Энди у иттойлик Ли На билан учрашади.

Бундан ташқари, ярим финал босқичида америкалик Жемини Хэмптон польшалик Агнешка Радванскага, яна бир АҚШ теннисчиси Кристина Макохил германиялик Анжелика Керберга қарши кураш олиб боради.



ТўРТА ОЛТИН НОРВЕГАРИНИКИ

Норвегиялик биатлончи Тура Бергер Германиянинг Руполдинг шаҳрида ўтказилган масс-старт пойғасида галаба қозониб, жорий йил ҳисобида иккинчи олтин медални қўлга киритди.



Француз спортчиси Мари-Лор Брюно Т.Бергердан 8,1 сонияга ортда қўлиб, кумуш медал соҳибасига айланди. Бронза медали финляндиялик Кайсе Мякяриненга насиб этди. У норвегиялик спортчида 12,7 сонияга ортда қўлиб, Айтиш зарури, ушбу спортчиларнинг барчаси нишонга ўқ узашда атиги бир мартадан хатоликка йўл қўйган.

Масс-старт бўйича 2012 йилги жаҳон чемпионатида омад Норвегия вакиллари га қўлиб босди. Чемпионатда тўртта олтин, биттадан кумуш ва бронза медаллари айнан шу мамлакат спортчиларига насиб этди. Улардан кейинги поғонада учта олтин ва бешта кумуш медални қўлга киритган французлар туркишди.

Ш. НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан хотин-қизлар саломатлигини муҳофизат қилиш масаласига доир кўллаб амалий ишлар бажариб келинмоқда. Бунда аёлларни спортга кенг жалб қилишда тўққиз йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган аёллар спартакиадасининг ўрни ниҳоятда катта.

Дастлабки йилларда ушбу спартакиада 300—400 нафар аёлни қамраб олган бўлса, бу йилги беллашувида 3000 мингдан зиёд аёл иштирок этди. Шаҳар, туман босқичларида қўлиб бўлган 130 нафар иштирокчи вилоят босқичига йўлланиб қўлга киритди. Аънаанага кўра, спартакиада олдидан ушбу аёлларнинг барчаси касабаси уюшмаси ҳомийлигида спорт кийимлари билан тақдирланди.

Урганч давлат университети спорт мажмуасида ўтказилган мусобақаларда 13та жамоа узунликка сакраш, граната улоқтириш, стол тенниси, стритбол, эстафеталик югуриш бўйича беллашдилар.

— Спартакиадада иккинчи марта иштирок этялман, — деди Урганч туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилбар Мадаминаова. — Мақтабимиз ўқитувчилари

ри ҳар йили Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси томонидан ўтказиладиган ушбу йирик тадбирни зўр иштиёқ билан кутадилар. Иштирок этишдан кўзлаган мақсадим эса фақат галаба эмас, балки саломатлигимни мустаҳкамлаш, бошқа тенгдошларимга ўрнак бўлиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга ҳиссамни қўишидир.

— Аёл саломатлиги миллият саломатлигини ифодалар экан, бу масалага беварқ бўлишга ҳаққимиз йўқ, — деди кенгаш раиси Муйassar Раҳимова. — Тармоқда меҳнат қилаётган 20 мингдан зиёд хотин-қизлар мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб

келаётганлари, 195 нафар аёл спорт тўғрақларига раҳбарлик қилаётгани вилоятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилувчи аёллар сони ортиб бораётганидан далолатдир.

Қизгин баҳслардан сўнг халқаро тоифадаги ҳакам Баҳодир Жуманиёзов бошчилигидаги ҳакамлар қўлибларни эълон қилди. Деярли барча турлардан биринчи ўринни эгаллаган Хонка тумани жамоаси биринчи, Қўшқўпир туман жамоаси иккинчи ҳамда Шовот туман жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Спартакиада қўлибларни кубок ҳамда дипломлар, қўimmatбоха совғалар билан тақдирландилар.

Муҳаббат
ТўРАБОВЕВА

реклама • эълонлар • реклама • эълонлар • реклама • эълонлар • реклама • эълонлар



Тошкент шаҳар, Яқкасарой туман
ХТМФМТТЭБ тасарруфидаги
362-сонли санаторий типидagi
мактабгача таълим муассасаси
биноси томини капитал таъмирлаш
учун мазкур соҳага ихтисослашган
қурилиш ташкилотлари ўртасида
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: 255-05-66.
МТМ манзили: Тошкент шаҳри,
Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 81-уй.



Ҳурматли устозимиз
Рамазон АБДУЛЛАЕВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Таълим-тарбия соҳасининг чинакам фидойиси, педагогик жамоанинг ҳақиқий раҳбари сифатида нафақат биз — мактабдаги ҳамкасбларингиз, яқинларингиз, балки туман, вилоят аҳли Сизни жуда яхши билади. Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси унвонига лойиқ топилганингиз ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Умрингизнинг ҳар бир дақиқаси келажакда эл қорига ярайдиган баркамол авлод таълими, тарбияси ташвиши билан ўтмоқда. Бу ўзини шу соҳага бағишлаган ҳар бир инсон учун ибрат мактабидир. Сизга шундай шарафли меҳнат жабҳасида яна кўп йиллар самарали фаолият кўрсатиши, соғ-саломат бўлиб шогирдларингиз, фарзандларингиз ва невараларингиз камолини кўриб юриш насиб этсин.

Бойсун туманидаги
53-мактаб жамоаси ҳамда
фарзандларингиз.



Азиз ва муҳтарам
Гулнора ЖЎРАЕВА!

Сизни таваллуд кунингиз билан ҳамда яқинлашиб келаётган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз. Болаларга илм-зиёғ етказишдаги машаққатли, айни дамда шарафли ўқитувчилик касбингизда доимо омадлар ёр бўлсин. Оилавий ҳаётингиз шодлик, бахт-саодат, завқ-шавққа тўлиқ бўлсин.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан
Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги
36-ёрдамчи мактаб ўқитувчилари
ва шу мактабда таҳсил олаётган
шогирдларингиз.

Халқ таълими тизимидagi муассасалар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири ҳамда илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари диққатига!

Maʼnaviyat
НАШРИЁТИ

- монографиялар;
- китоблар;
- брошюралар;
- буклетлар ва турли идора бланklarини сифатли ва арзон нархларда чоп этади.


Манзилимиз: Ҳамза тумани, Тараққиёт 2-бەрк кўча, 2-уй.
Телефонлар: 289-65-66, 289-46-64 (факс).

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

*ректорати, профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси
азиз юрtdошларимизни, Ўзбекистон Республикаси*

*Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълими
вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тизимидаги барча ҳамкасбларни баҳор ва уйғониш
айёми — Наврўз умумхалқ байрами билан қутлайди!*

*Сиз азизларга узоқ умр, бахт-саодат, Наврўзнинг
ўзидек беғуборлик, гўзаллик тилаймиз!*



Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

*Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта махсус та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.*

**Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV**

*Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV,
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla
HAKIMOV.*

**Gazeta
Ўзбекистон Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.**

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-318.

Tiraj 56133.

Hajmi 4 bosma taboq.

**Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.**

*«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

**MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.**

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maхsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

**Bahosi sotuvda
erkin narxda**

**Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Lilya BINASHEVA.**

**Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.**

**«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.**

**Korxonadan manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy**

**ЎЗА ақуни — 21.25
Topshirildi — 21.30**